

Чин мамлакати гоятда гўзал бўлиб, уни кудратли бир подшох бошкарарди. Шохнинг осмондаги юлдузлардек бехисоб лашкари бўлиб, юз мингта Корун хазинасига тенг келадиган бойликка эга эди. Кўпгина мамлакатларнинг хонлари унга бўйсунардилар. Шохнинг ўзи нихоятда саховатли, фукароларига гамхўр хукмдор эди. Унинг фарзанди йўк бўлиб, «Мен бу дунёдан кўз юмсам, тахту тожим кимга колади?», - деб афсусланарди. Бир ўгил кўриш орзусида етимларнинг бошини силарди, бефарзанд фукароларга хам мехрибонлик кўрсатарди. Нихоят орзулари ушалиб, ўгил кўриш бахтига муяссар бўлди. Хурсандлигидан кўпдан-кўп жавохиру олтинларни халкка эхсон килди, бутун мамлакат безатилиб, бир неча кун байрам килинди. Чин ахли уч йил давомида солик тўлашдан озод килинди.

Шодлиги ичига сигмаган подшо фарзандига яхши бир исм кўймокчи бўлди. Чакалокнинг юзида «фарри шохий», яъни шохлик нури порлаб турарди. Бу нур сояси остида эса химмат, икбол хамда давлат ўрин олган эди. Шох «фар» сўзига химмат, икбол ва давлат сўзларининг бош харфларини кўшган эди, Фарход исми хосил бўлди. Болани ана шу исм билан атадилар-да, ипак матоларга ўраб бешикка беладилар. Лекин бу исмни отасигина кўйган эмасди. Чакалокнинг покиза зотини кўрган ишк хам унга Фарход исмини кўйган ва уни фирок, рашк, хажр, ох ва дард сўзларининг бош харфларидан танлаган эди. Фарход ўз тенгдошларидан бошкачарок бўлиб, кечалари яхши ухлай олмасди, доя унга ичирган хар катра сут маъно дури бўлиб цингарди. Бир ёшга етганида, у бешикни тарк этиб юра бошлади. Уч ёшида аник, равон сўзлайдиган бўлди. Лекин унинг сўзлари асосан ишк афсоналаридан иборат эди. Уч яшарлик чогидаёк ўзини ўн ёшли болалардек тутар, бундан барча хайрон эди.

Отаси ўглининг бу сифатларини кўргач, унга илм бериш вакти етганини англади. Билимли, донишманд бир устозни топиб келиб, Фарходни ўкитишга киришди. Уч ой деганда боланинг саводи чикди. Шундан кейинги бир йил ичида аввало, Куръонни ёд олди. Барча ўкиганлари унинг хотирасида колар, бир варакни иккинчи бор очмасди. Мухаббат хакидаги асарларни ўкиганида, каттик таъсирланиб, ошик чеккан дард унинг калбига алам-изтироб соларди. Бу китоблардан таъсирланган Фарход бирон кишининг кўзида ёш кўриб колса, зор йиглар, устоз унинг бу ишларидан лол коларди. Отаси билан онаси унинг бу холатини кўриб, кандай чора топишни билишмас, халк хам шахзоданинг ахволидан хабар топиб ташвишланарди.

Шу тарзда унинг ёши ўнга етди. Жахонда у ўрганмаган, маъносини англаб ўзлаштирмаган бирон илм колмади. Ўн ёшли Фарходда йигирма яшар йигит кучи-кудрати бор эди. Энди у илм олишни тугаллаб, харбий хунарларни касб этишга киришди. Оз

фурсатда жанговар санъатларни хам эгаллаб, ўк отиш, найза санчиш, киличбозлик, калкон билан жанг килиш махоратларини эгаллаб, эл орасида танилди. Фарход илм ва харбий сохада эришган ютукларига карамай, ўзини барчадан камтар тутар, унинг учун подшолик билан гадоликнинг фарки йўк, хатто гадоликни подшоликдан юкорирок кўярди. Йигитчанинг кўнгли билан кўзигина эмас, балки тили хам, сўзи хам, ўзи хам пок эди. Ана шу хислатлари учун фукаролар хам уни доим дуо килишар, у томонга ногох бир совук шамол эсса, Чин мамлакатининг барча халки совук ох чекишарди. Нихоят, Фарход ўн тўрт ёшга етди.

Шох фарзанди камолини кўриб, хар куни хурсандчилик киларди, аммо Фарход ишкий достонларни ўкир экан, ошиклар чеккан дардлардан кўнгли гамга тўлар, ишкий ашулаларни эшитса, икки кўзидан ёш аримасди.

Хокон ўглининг холини кўриб, ўйлаб ўйига етолмас, «Нега у хамиша гамгин, нега доимо оху афгон чекади, кўз ёшларига сабаб нима экан?», деб фикр килар экан, Хитой мамлакатидаги бор гўзаллару санъаткорлар, найрангбозлару сехргарларни чакиртириб уни хурсанд килишга интилар, аммо Фарход уларнинг ишлари сирини тезда англаб етиб, кизикмай коларди. Буларни кузатиб турган отаси ўйлаб-ўйлаб, тўртта ажойиб каср куришга ахд килди, токи ўгли хар фаслда бир касрда яшаб, айш-ишрат билан шугуллансин.

Бахорий каср гулранг, ёзгиси - яшил, кузги каср заъфароний, кишкиси эса ок, кофур рангида бўлиши керак эди. Хокон ушбу касрлар битгач, уларни Чин мамлакатининг энг гўзал кизлари билан тўлдиришни, ўглининг ана шу жаннатмисол саройларда лаззатланишини орзу киларди. Курилишга таклиф этиладиган хунарманд усталар: сангтарошу наккошлар канча тошларни йўниб, ховузу гиламлар билан безатар, хилма-хил накшу расмлар чизар эканлар, Фарход хам уларнинг хунарлари билан кизикиб, хар бир санъат билан машгул бўлса, каср битгач эса, улардан лаззатланса, дилидаги гаму андухлардан кутулса, айни муддао бўларди, деб ўйлар экан, хокон дили ёришиб кетди-ю, ичи шодликка тўлди.

Унинг Мулкоро деган бир доно вазири бўлиб, хокон хар бир ишни у билан маслахатлашиб бажарарди. Мулкоро ўглининг мураббийси бўлиб, Фарход хам уни ўз отасидек кўрарди. Шох элдан яширинча уни хузурига чакиртирди-да, ўз фикрлари билан таништиргач, шу ишларни унинг зиммасига юклади.

Мулкоро хокон фармойишини бажо килиш учун кўплаб мухандислару меъморларни чакиртириб, мамлакатдаги энг кўнгилочар вилоятлардан тўртта мавзеъни танлади. Хар кайси жой суви ва хавоси билан бир фаслга мос бўлиб, шахзоданинг ором олиши учун макбул эди. Шундан сўнг хар бир касрнинг режаси чизилди, унда экиладиган дарахтларнинг хам ўрни белгилаб кўйилган эди.

Хитой мамлакатида эгизак икки уста бўлиб, бирининг лакаби Боний, иккинчисиники эса Моний эди. Боний меъморлик билан, Моний эса наккошлик билан шугулланарди. Боний курган бинолар гоят мустахкам бўлар, Моний чизган расмлар эса худди жонли сиймолардек кўринарди.

Яна бир устоднинг лакаби Коран бўлиб, тошкесарликда унга хеч ким тенг келолмасди. Мулкоро шуларга ўхшаш яна кўплаб усталарни тўплади-да, хокон бу касрларни шахзода Фарходнинг ором олиши учун курдираётганини таъкидлаб, хар бир касрнинг хажми-ю ранги кандай бўлиши лозимлигини тушунтирди. Сўзи тугагач, сон-саноксиз олтинларни уларнинг олдига тўкди. Усталар кўлларини шимариб ишга киришдилар. Мулкоро уларни хурсанд килгач, керакли нарсаларни тўплашга киришди. Бу ишга тўрт саркорни тайин

килиб, юзта ишбилармон устанинг хар бирига мингтадан мардикорни бириктириб кўйди. Хар бир тог устида юз киши тош кўпорар, пастда эса мингта тош пардозловчи иш билан банд эди. Араваларда курилиш жойига тинмай оку кизил тошлар ташилар, хамма ёкда иш кайнарди.
Ишлар жадал борар экан, осмонўпар тўрт касрнинг кад кўтараётгани хакида шахзодага хабар етказиб турардилар. Бажарилаётган улкан ишларнинг хаддан зиёда таърифини эшитган Фарход отига минди-да, курилишларни кўриш учун жўнади. У билан юзта келишган йигитлар бирга борардилар. Курилаётган касрлар олдига етиб борган шахзода бир олам одамларнинг жўшкинлик билан ишлаётганлари, тўрт улкан бино осмонга тегай деб турганини, хавозаларнинг булутларга кадар кўтарилганини кўриб хайратдан бармогини тишлаб колди. Фарход усталарнинг махорат билан тош йўнишларини кизикиш билан кўздан кечирар, ўткир тешалари билан каттик тошларни сарёгдек кесишаётганини кўриб уларга тахсин ўкирди.
Коран бажараётган ажойиб ишларга кўзи тушган шахзода унинг санъаткорлигини томоша килмокчи бўлди. Отдан тушгач, унинг ўтириши учун тошдан бир тахт тайёрлашди. Фарход унга ўтирди-да, устозга мурожаат килди:
 Эй мохир ва билимдон устоз! Яратаётган санъатинг хакида бир оз сўзлаб бергил, токи унинг мохияти ва яширин сирлари аён бўлсин. Исмингни айт хамда кандай килиб сенинг тешанг тошларни мумдек енгил йўнаётганидан хабардор килгил. Негаки, биз бундай ишни шу вактгача кўрмаганимиз учун ушбу санъат олдида аклимиз ожиз бўлиб турибди. Ахир ёгоч каттикрок бўлса, унга пичок урсанг, ўтмаслашиб аррадек бўлиб колади-ку! Тешангга кандай тарзда сув бергансанки, тошни йўнаётган бўлса хам, зарар топмаяпти. Сен тошга кайта-кайта ураётган бўлсанг хам ўткирлигини йўкотмаётган темир метининг сирларини хам айтиб бергин!
Тошга накш чизувчи уста ер ўпиб, сўзини дуо билан бошлади: «Коф тоги яралибдики, чакмоклар тошидан озор чекади. Фалак тошларидан бошинг омон бўлиб, тошларинг дарду гам бошларини майдалаб ташласин. Душманларинг насибаси тош бўлсину улар машаккат тогида овора бўлсин.
Отим Коран, ишим хам аён: кўлимда тешаю, олдимда тошлар. Метин билан теша нега доимо тошни йўнса хам синмаяпти, деб сўрадинг. Бунинг сири шу асбобларга сув беришда, биз бу сирни элга ошкор килавермаймиз. Уста ўз асбобига шу тарзда сув берса, юз йил тош йўнса хам улар зарар кўрмайди. Хитой халки бу санъатни эгаллаб, олам ахлига танилди. Лекин хамма усталар хам менинг билганларимни билмайди, бу сўзга далилим шуки, улар мен килган ишларни килишолмайди».
Донишманд уста сўзини тугатгач, шахзода ундан: «Олдимда ўз ишларинг билан шугуллангин, чунки бу санъат менга ёкиб колди. Гохи тош йўнгил, гох тошга накш чизгин, мен ишларингни кўриб ўтирай», -  деб илтимос килди. Уста шахзода кўнглини хурсанд этиш учун ишга киришиб, тош кесиш ва накш чизиш билан шугулланди. Унинг ишларини кўриб турган шахзода тахсин айтишдан чарчамасди. Куёш ўз нурларини тошлар орасига яширгач, яъни окшом тушгач, шахзода тош тахтидан туриб, шахар томон йўл олди.
Уйга кайтиб келган шахзода оромини йўкотди. Сангтарош уста санъати унинг кўнглига бу хунарни ўрганиш хавасини солган эди. Шунинг учун тонг отиши биланок отига минди-ю, яна томоша килиш учун курилиш жойига томон шошилди. Етиб боргач, хилма-хил хунарлар билан шугулланаётган усталарнинг махоратини кузатаркан, хар бир санъат сири билан кизикар, ширин сўзлар билан уларнинг кўнглини оларди. Бундан кувонган хунармандларнинг гайратига гайрат кўшилиб, янада яхширок ишлашга харакат

килишарди.
Шахзода Коран сари йўл олиб, унинг олдига келди-да, пўлатдан теша билан метин ясашини илтимос килди. Уста ишга киришиб, турли асбоблар ясар экан, уларга сув бериши биланок тош йўниб кўрарди. Фарход уста килаётган ишларни кузатаркан, сув беришнинг ва тош йўнишнинг нозик сирларини диккат билан ўрганарди. Шундан сўнг шахзоданинг ўзи хам тош кесиш ва йўниш, тошга накш чизиш билан шугулланишга интилиб, тез орада мохир уста даражасига етишди. У баъзан одамлардан андиша килиб, яширинча кўлига теша олар ва бошкалар бир ойда бажариши мумкин бўлган ишни бир кунда килиб кўярди. Хар куни шу тарзда шугулланиш туфайли унинг хунари камолига эришди.
Тўрт йилдан сўнг тўрт хашаматли каср куриб битказилгач, уларни безашга киришилди. Биноларнинг ташки томонига чирой беришда Коран ўз санъатини намойиш килган бўлса, ичкарида Моний наккошлик килди. Уста хар бир уйга накшлар ва суратлар чизар экан, унинг ёнида хозир турган Фарход мададкорлик килар, суратларга ранг берар, зарур бўлганда тош кесиш ва наккошлик ишларини бажарарди. Ана шу ишлар давомида шахзода мохир устоз бўлиб етишди.
Буюк касрлар битгач, уларнинг атрофида жаннатмисол боглар яратилди. Хар кайси касрга ўз рангига мос чиройли гиламлар солиниб, шу рангдаги буюмлар билан жихозланди. Уларнинг хар бирида хизмат килувчилар хам каср рангига мос кийимлар кийиб олишган эди. Бахорий касрдаги хамма нарса: эшиклару деразалар, хатто остоналар хам гул рангида бўлиб, ховуз атрофига лаълу ёкутлар кадалган, ичи эса гулранг май билан лиммо-лим тўлдирилган бўлиб, арикларда хам шундай май окиб турар, чор атрофда ранг-баранг гуллар очилиб ётар, хар тарафда кимматбахо гулранг кийимлардаги гўзал кизлар кезиб юришарди. Ёзги каср ва богда хамма нарса яшил рангга беланган бўлса, кузги сарой ва гулистон сариг, заъфарон рангига, кишки каср оппок рангга мосланган эди.
Мулкоро касрларнинг, богларнинг курилиши тугаллангани хакида хоконга хабар етказгач, шох уни томоша килиш учун отланди. Унинг чап ёнида сарой аъёнлари, ўнг томонида эса шахзода Фарход борарди. Барчалари аввал бахорий каср билан танишиб, ундаги ажойиботлар, богдаги юз турлик гўзалликлардан бахра олишди. Иккинчи каср янада хайротомуз бўлиб, учинчиси ундан хам гўзалрок, тўртинчи касрдаги чирой олдинги учала сарой ва боглардан хам ўз нафосати билан ажралиб турарди. Бир-биридан латофатли ушбу касрлар хаммани лол колдирди.
Шох усталарга уларнинг ўзлари кутганларига караганда юз марта кўпрок инъомлар берди, Мулкорога алохида хурмат кўрсатиб, мартабасини янада юкори кўтарди, сўнг ана шу касрлару боглар, гўзал кизларнинг барчасини шахзодага совга килди. Кейин Мулкорога хар кайси касрда уч ойга мўлжалланган зиёфат учун барча керакли нарсаларни хозирлашни, йилнинг фаслларига кўра хар касрда уч ойлик хурсандчилик килишга тайёрлик кўришни буюрди. Донишманд вазир ишга киришиб тез орада бир йилга мўлжалланган шодиёналарга хозирликни тугатди. Хар куни юзта от ва мингта кўй сўйилиши мўлжалланди, хисобсиз мева-ю ширинликлар, ичимликлар тайёрлаб кўйилди.
Гўзал бахор келиб, бутун табиат хилма-хил гулларнинг ранги-ю бўйидан, булбуллару тонг кушларининг хузурбахш куйларидан латофату ором касб этган кунларнинг бирида шох Фарход ва ўз аъёнлари билан гулгун каср томон йўл олди. Гул рангидаги кимматбахо матолар билан безатилган каср ичида ажойиб бир тахт курилган эди, хокон унга бориб ўтирди, ёнидан Фарход жой олди. Тахт олдидаги гулранг курсида Мулкоро

ором топди. Гул юзли сокий барчага гулгун май тутар экан, муганнийлар булбулдек куйлашарди. Фарходнинг хам гулранг май ичаётганини кўрган хокон ўглининг гулдек юзига бокиб, бехад шодлангани туфайли кўзларидан хурсандлик ёши аримасди.
Шу тарзда уч ойлик бахор фасли ўтди-ю, ёз келиб хокон, шахзода ва барча аъёнлар ёзги касрга йўл олишди. Хамма нарса яшилликка бурканган саройда хам уч ой айш-ишрат килишди. Хамма ёкни кахрабо рангига бўяган куз фасли етишгач, базмлар кузги касрга кўчди. Заъфароний кийимлар кийиб олган шох, шахзода ва барча аъёнлар бу ерда хам уч ойни хузур килиб ўтказишди. Совук кунлар бошланиб, киш барча оламни ок ранг билан безаган айёмда айшу ишрат тўртинчи касрда давом эттирилди.
Тўрттала касрда уюштирилган базмлардан кўзда тутилган асосий максад Фарходни хурсанд килиб, унинг кўнглига ўрнашиб олган гаму кайгулардан кутултириш эди. Лекин шахзода хануз гамгинлик гирдобида яшар, хамон бирон кишининг йигисини кўрса, унга кўшилиб йиглар, эл чеккан гам-алам унга хам озор етказарди. Халк бошига тушган хар кандай изтироб унинг кўнглини гамнок килар, ёкаси чок, яъни алам-кайгуга мубтало бўлган кишини кўрганда, ўз ёкасини йиртиб унга хамдардлик билдирарди. Биров ишк хакида гап очса, унинг хикоясини кайта-кайта тинглар, ошиклик белгилари-ю холатини англаб, ёдида саклар, ошик висол хакида сўзласа, севинчларга тўлар, хижрон дамларини баён килса, икки кўзидан тинмай ёш тўкарди. Бу холатларни кўрган хокон ўзининг килган ишлари хато эканини англаб, нима килишини билмай колди.
Хокон шу хусусда фикр юритар экан, нихоят яна бир ишни мувофик деб билди: ўзининг кариб бораётгани, Фарход эса аклли, мард ва пахлавон йигит бўлиб, факат Чин мамлакатида хоконлик килишгагина эмас, балки бутун оламга султон бўлишга хам лойик эканлиги, шохларга хос барча фазилатлар унда жамулжамлиги, бир неча хунарларни билиши, барча айблардан холи эканлиги, йиги ва фигон чекишдан ўзга бирон камчилиги йўклигини ўйлади-да, «Тахтимни унга берсам, давлатни бошкариш ишлари билан машгул бўлиб, ўз дард-у аламларини унутади», -  деган карорга келди. Сўнг давлат аъёнларини йигиб, ёнига Фарходни ўтказди-да, ўз максадини баён килди:
...Карилик дарди бедармондур охир,
Бу иш кўнглимда кўп армондур охир.
Ки ўлмасдин бурун очиб кўзумни,
Сарир узра йигит кўрсам ўзумни.
Ки яъни тожу тахту салтанат хам,
Сипоху мулку молу мамлакат хам,
Бори бўлса сенинг бирла музайян,
Сени ўз ўрнума килсам муайян.
Санга тутсам мусаллам подшолик,
Халойик устида кишвархудолик
Манга шахликда куллук хам кил эмди,
Атолик хам, ўгуллук хам кил эмди.
Бу сўзларни эшитиб турган шахзода фарёд уриб ўзини ерга отди-да, зор-зор йиглади. Сўнг отасига узок умр тилаб, шохлик иши огирлигини, бундай масъулиятни ўз зиммасига олиш учун тайёр эмаслигини, шох рухсат берса, бир-икки йил хокон ёнида бўлиб, давлатни бошкариш сирларини ўрганиши зарурлигини, олдин кичикрок бир ишни бошкариб, кейин хукмдорлик билан шугулланишга ўтса, маъкулрок бўлишини одоб билан сўзлади.
Фарходнинг бу сўзларидан шодликка тўлган хокон ўглининг бошидан зару жавохирлар

сочиш максадида унинг кўлларидан тутиб, хар хил ажойиботлар билан тўлиб тошган хазина ичига олиб кирди. Хазина жуда катта бўлиб, киркта уйнинг хар бирида кирктадан улкан хум бор эди. Яна киркта уй бир-биридан чиройли матолару кимматбахо буюмлар: хитойи чиннилару ипакларга чизилган гўзал суратлар, кимхоб тўнлар, бехисоб жавохирлару кимматбахо тошлар билан лим тўла эди.
Шох билан шахзода хазина бойликларини тамошо килишиб кайтишмокчи бўлиб туришганда, Фарходнинг кўзи ажойиб бир сандикка тушди. Тоза биллурдан ясалган ушбу сандик ичида нимадир кўриниб турар, лекин кулфлоглиги туфайли у сандикни очиб бўлмасди. Шахзода сандик ичидаги нарсани кўрмокчи бўлди-да, калитини топиб очишни буюрди. Хокон бундан огох бўлиб, бу сандикни калити йўклиги туфайли очиб бўлмаслигини айтди-да, ўглини фикридан кайтармокчи бўлди. Сандик ичидаги нарсани кўришга гоятда кизикиб колган Фарход:
Деди: «Хар ишки килмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадхал,
Топилмас мушкиле мен килмагон хал.
Мунинг хам билмагунча аслу будин,
Муайян килмогунча тору пудин,
Не имконким, карор ўлгай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлгай кўнгулга»
- деб ўз сўзида туриб олди. Шох канча харакат килса, шахзода шунчалик ўжарлик киларди. Хокон иложсиз колиб, сандикни очиш хакида буйрук берди. Сандик ичидан ялтирок бир кўзгу чикди. Шарк куёшигагина эмас, балки Искандар ойнасига ўхшарди у. Кўзгуни безаган уста оркасига уни кўриш сири хакида шундай деб ёзиб кўйганди: «Бу кўзгу жахоннамо бўлиб,
Искандари Румийнинг жахон ахлига колдириб кетган ёдгорлигидир. Хар бири Афлотунга тенг тўрт юзта олим бир неча йил мехнат килиб бундай жахон хикматини ясашган. Унга тилсим яширилган бўлиб, кўзгуни кўрмокчи бўлган кимса бу тилсимни ечиб кўзгуни кўлига олса-ю, унга кўз ташласа, Тангри унга белгилаб кўйган такдирдан огох бўлади. Лекин кўзгудаги тилсим сирини очиш жуда кийин. Бунга эришмокчи бўлган инсон Юнон мамлакатига бориши, ўша манзилда учта офатни енгиб ўтиб баланд тог олдига етиб бориши керак. Бу уч офатнинг бири аждахо, иккинчиси Ахраман деган дев, учинчиси олдинги иккала офатдан хам мушкилрок тилсимдир. Ана шу уч манзилдан ўтиб олган киши тўртинчи манзил бўлган тог ичига кириб, горда маскан тутган Сукрот деган донишманд олимни топиши керак. У доно мўйсафид агар тирик бўлса, борган кишини муродига етказади. Агар у хаёт бўлмаса, унинг рухига илтижо килинса, кўзланган максадга эришилади».
Бу ёзувни ўкиган шахзода кўзгу сирини очишга кизикиб колди. Ўз максадига етиш йўлида ўгли чекаётган изтироблардан хабар топган хокон уни бу муддаосидан кайтаришга хар канча уринса хам, Фарход ўз орзусидан воз кечмади. Ота хам, ўгил хам кийин бир ахволда колган эдилар.
Фарход кўзгуда ўз такдирини кўриш орзусида хатто эс-хушини йўкотиш даражасига етиб колганди. Охири Мулкорони яширинча чакиртириб, ўз кўнглидаги гапларни унга ошкор килди:
- Шох хам, гадо хам ўз такдиридан кочиб кутулолмайди. Хар ким пешонасига ёзилганни кўрмай иложи йўк. Менинг ахволим элни хавотирга солаётган бўлса хам, такдиримни

билиш орзусидан кеча олмасман. Шунинг учун отамга ахволимни тушунтириб, Юнон мамлакатига боришимга ижозат олиб берсанг, менга ок йўл тилаб, дуо килиб турса, максадимга етишишим шубхасиздир. Отам рухсат бермаса, бошимни олиб, максадимни рўёбга чикариш учун сафарга йўл олишим тайин. Бинобарин, отам менинг жўнашимга рухсат берса яхширок бўларди.
Мулкоро шахзоданинг ушбу сўзларини эшитгач, кайгуга ботди. Насихат килай деса, Фарходга таъсир килмаслиги аник. Кўзларидан окаётган ёшни арта-арта хокон хузурига йўл олди-да, хеч ким йўклигида унинг кошига кириб эшитганларини сўзлаб берди. Шох бу можародан ёкасини йиртиб кўксига урарди. Икковлари роса йиглашди. Хокон ахволини кўрган Мулкоро аста насихат килишга тушди-да, уни такдирга рози бўлишга даъват этди. Шох ўглига яна насихат килиб кўриш, бунинг хам фойдаси бўлмаса, сафарга рози бўлишни макбул деб билди. Лекин шох билан Мулкоро килган насихатлар шахзоданинг орзусини янада кучайтирди холос. Хокон ўглини камаб кўймокчи хам бўлди, яна бу фикридан воз кечиб, шахзода кўнглига озор етказмаслик учун Хито ва Чин мамлакатларидан лашкар тўплаб, Юнонистонга юриш килиш, ўша ергача унга хамрохлик килиб, ўглининг ахволидан хабардор бўлиб туришни макбул деб билди. «Юнон мулкига етиб боргунча шахзода балки ўз орзусини унутар, бунинг иложи бўлмаса, бошига тушганни кўради-да», - деб ўйлаган хокон Мулкорони шахзода хузурига йўллаб, ўз карорини унга айтишни буюрди. Шахзода отасининг розилик берганидан хурсанд бўлиб, вазирга сафар тайёргарлигини кўришни топширди. Хар томонга жар солиниб, лашкар тўплашга киришилди.
Тез орада мамлакатнинг хар тарафидан бехисоб лашкар йигилди. Хокон Юнон мулки сари юришни бошлади. Шох йўл-йўлакай бир неча ўлкаларни, денгизларни эгаллаб бораркан, у ердаги ахоли хоконни кўришга турли-туман совгалар билан келиб туришар, хукмдор хам уларни мўл-кўл совгалар билан сийларди. Шох ўз хузурига йигилган олимларга мурожаат килиб:
«Бу сафаримиздан максад мамлакатларни фатх этиш эмас, балки Юнонистондаги машхур тогдаги горда яшаётган Сукрот исмли донишманд билан кўришишдир. У тог кайси томонда эканини, масофанинг канчалигини, кайси йўлдан бориш лозимлигини билсангиз, айтинглар», - деди. Олимлар ер ўпиб, ўринларидан турдилар-да, шохга караб:
«Олампанох ўзлари тилаган максадларига етсинлар. Мамлакатимизда ёши беш юздан ошган Сухайло хаким деган кекса донишманд яшайди, барчамиз унинг шогирдимиз. Шох сўраган нарсалардан бизлар хам хабардормиз, олампанох ниманики сўрасалар, жавоб бера оламиз. Лекин бу масалалар хакидаги пухта жавобни унинг ўзидан эшитганингиз маъкул. Бу кийин жумбокни унинг ўзи хал килиб бера олади. Агар у билан кўришишни истасангиз, биз олдига бошлаб боришимиз мумкин», - дедилар. Шох билан шахзода бу сўзлардан шодликка тўлиб Юнон олимлари билан биргаликда донишманд Сухайло хузурига караб йўлга тушдилар. Анча йўл юришгач, дашт ўртасида бир тепалик кўринди. Сухайло хаким шу ердаги горда яшар экан. Хаммалари отларидан тушиб гор томон юрдилар. Олимлардан бири гор ичига кириб, донишмандни шох билан шахзода унинг хузурига кадам ранжида килишганидан огохлантирди. Сухайло бу сўзларни эшитгач, уларнинг киришларига ишора килди.
Шох билан шахзода киришгач, Сухайло ўрнидан туриб иккови билан кулиб кўришди, улар хам хурсанд бўлиб, донишманднинг кўлини ўпишди. Сўнг аллома ота билан болани ўтказиб, ўзи хам ўтирди-да, улар билан сухбатни бошлади. Йўлдаги кийинчиликлар хакида сўрагач, шунча масофани босиб келишдан максадлари нима эканини билмокчи

бўлди. Хокон шахзоданинг кўзгуни кўргандан кейинги холати хакида муфассал гапириб берди. Билимдон аллома ахволни англагач, шод бўлди-ю, айни вактда унга гамгинлик хам юзланди. Кучоклаб шахзодани хурсанд килган Сухайло: «Сенинг отинг Фарход!» деди, бу исмнинг маъносини айтиб бергач, бир неча савол берган эди, Фарход барига жавоб берди. Донишманд уни пешонасидан ўпди-да, сажда килиб: «Алхамдулиллох, ўз муродимга эришдим. Неча юз йилдан бери шу гор ичида яшадим, канча-канча ранжу аламлар чекдим. Жомосб ўз китобида: «Мендан сўнг минг йил ўтгач, Чин мамлакатидан Фарход исмли бир шахзода келиб Искандари Румий тилсимини очади. Лекин у икки манзилда кахрамонлик кўрсатиши, аввал аждарни ўлдириши, сўнгра эса Ахраманни енгиши керак. Менинг сўнгги фарзандим бўладиган Сухайло дуо билан саломимни кабул этиб, Фарход бу диёрга етиб келганида, унга ёрдам кўрсатсин. Фарход аждарни ўлдирганида, катта бойликни кўлга киритади, девни енгганида эса Сулаймон пайгамбарнинг узугига эга бўлади. Тилсим очган куни эса Жамшид жомини кўради. Буларни кўлга киритгач, барчасини хоконга хадя килсин. Унга эса доно Сукрот билан кўришиш хамда Искандар ойнаси етарли. Сукрот билан сухбатлашгач, дархол кўзгуни кўриш учун Чин томон жўнасин. Кўзгуда ниманики кўрса, бу вокеалар унинг хаётида юз беради», деб ёзилган экан. Мен бу хабардан фахрга тўлиб, неча юз йилдан бери сенга мунтазир эдим. Сенинг бошингга тушадиган барча мушкилотларнинг чорасини топиб кўйганман», деди-да, Сухайло гор олдига бориб, бир идишни олиб чикди ва «Бу идиш самандар6 ёги билан тўла. Мен уни кўпгина оташгохлардан йигиб тўплаганман. Аждар билан олишиш чогида бу ёгдан баданингга ва кўлларингга суриб олсанг, у сени аждар огзидан отиладиган ўтдан химоя килади. Ахраманни ўлдирганингда, девнинг бўйнига осиглик бир тахтачани кўрасан. У тилсим очишда сенга ёрдам беради, тилсим ичида эса Жамшид жомини топасан. Унинг атрофига ёзилганларни ўкисанг, Сукротни топиш йўлидан хабардор бўласан. Сукротни кўргач, кўзгу сирини биласану, Ватанинг сари йўл оласан», деб кўлидаги идишни Фарходга топширди. У дуч келадиган манзиллар хакида яна маслахатларни бергач: «Энди йўлга тушгил, хамма мушкулларинг хал бўлади, деб умид киламан», деди-да, бу хаётдан кўз юмди. Донишмандни ювиб, ўша горга дафн этдилар-да, барчалари йўлга тушдилар. Анчагина йўлни босиб ўтиб, аждахо манзилига етиб келдилар. У ерда дам олиб, окшом тушгач, айш-у ишрат билан машгул бўлдилар. Тонг отгач, Фарход покланиб, Худодан зафар тилаб, отасининг оёгига бош кўйди-да, ундан дуо тилади. Шох ва барча аъёнлар шахзодага галаба тилаб, дуо килишгач, барчалари аждар маконига караб йўл олишди. Аждар макони унинг нафасидан корайиб кетган дашт бўлиб, унда бадбўй бир шамол эсарди. Лашкарнинг кўпчилиги бу шамолдан эси огиб, отдан йикилди.

Фарход аждахонинг коронги гори кўрингач, у томон юрди. Одам исини сезган аждахо хайбат билан чикиб келди. Унинг танаси бало тогидек, огзи эса тогнинг горидек эди. Икки кўзи худди нефт ўтига мўри эди. Хар кайси панжаси бешта олмос ўрокка ўхшарди. Огзидан ўтлар сочиб гордан чикиб келган аждахо шахзодага кўзи тушгач, огзини бало дарвозасидек очиб, унинг сари юрди. Аввал ўт сочиб, пишириб, олдин шахзодани, сўнг эса барча лашкарни ютмокчи бўлди.

Шахзода эса асло кўркмасди, чунки у Сухайло айтганидек, бадану кўлларига самандар ёгини, яъни оловдан химоя килувчи дорини суртиб олганди. Аждахо уни ютиш учун огзини очганида, Фарход Худодан зафар тилаб, кўлига ёйини олди-да, унга ханжардек ўкни жойлаб, ракиби огзига караб отди. Ўк аждар танасини тешиб ўтди-ю, уни халок килди. Фарход аждахо гори ичига кирди. У ерда бир тахта осилган бўлиб, унда:

«Аждахони ўлдирган баходир, жасоратингга бу ердаги хазинани мукофот деб билгил. Доира шаклидаги бу гор марказида минг ботмондан огиррок бўлган бир тош бор. Киличинг учи билан унинг атрофини очиб, ўрнидан кўзгатсанг, Хак таоло кудратини томошо киласан», деб ёзиб кўйилганди. Шахзода ёзувда тайинланган ишларни бирин-кетин бажо килиб, Фаридун тўплаган бенихоя бойликларга: олтин-у кумушлар, турли жавохирлар тўлдирилган бир неча минг хумга эга бўлди. Хазина тўрида безакли бир тахт бўлиб, унинг устида ажойиб бир дудама тигли килич ва унинг ёнида куёшдек юмалок шаклдаги калкон турар, унга «Кимнингки бахти ёр бўлиб, ушбу килич билан калкон унинг кўлига тушса, бирини белига боглаб, бирини осиб олса, юзта дев билан жанг килса хам, енгиб чикади. Чунки Сулаймон пайгамбар калкон куббасига «Исми аъзам» ни ёздирган, бунинг хосияти шуки, юз мингта дев макр-хийла килмокчи бўлганида хам, бу исмларни кўргач, ер билан яксон бўлади. Киличда хам бу исм ёзилган бўлиб, шу исм унга ўткирлик багишлаган. Бу килич билан жанг килган инсонга душман тиги таъсир килмайди, ракиб лаънати шайтонми, Ахраманми, ким бўлса хам иккига бўлиб ташлайди», деб ёзиб кўйилган экан.

Фарход бу икки совгани топгач, яратганга сажда килиб, шодлиги ичига сигмай кетди. Шахзода килични белига боглади, калконни бўйнига осди-да, лашкарлар турган жой томон йўл олди. Уни кўрган шох билан Мулкоро йиглаб кўришишди, аъёнлар хам уни омон кўрганларидан шодликка тўлиб, дуо килишди.

Куёш кўтарилгач, води-ю тог ёришиб аждахо гори, ундаги аждахо танаси хам намоён бўлди. Хокон билан Фарход, аъёнлар бутун дашт аждар кони билан бўялганини кўришди. Шахзода хазинадаги барча бойликларни отасига совга килди, килич билан калкон хосиятларини сўзлаб берди, хокон уларни хазинадан хам кимматлирок, деб билди. Сўнг лашкарларга дам олиш учун рухсат берилди, хокон хаммани зиёфат килишга буюрди.

Эртаси куни тонг отиши биланок Фарход жанг кийимларини кийиб, килич билан калконни осиб, Ахраман дев маконига караб йўл олди. Хокон хам лашкарлари билан унинг изидан келар экан, каттик хавотирда эди. Шахзода кўшиндан ярим ёгочча олдинда илдамлаб борар экан, рўпарасида бир ўрмон кўринди. Бу -  Ахраманнинг боги бўлиб, бехад катта эди. Юз минглаб кекса дарахтларининг боши осмондан ошар, хар бир барги васваса кўзгуси бўлиб, аклдан оздирар, ўрмон ичи турли кўринишдаги девлар билан тўла бўлиб, сойлари шайтонлар овозидек хайкирар, ариклар ичидаги хар кайси тош кесилган бошни эслатар, шамоли девлар наърасига ўхшар, чинорлари кўлларини хар томонга тебратиб, «Оркангга кайт!» деяётгандек бўларди.

Фарход Хак таологa таваккал килиб, ушбу ўрмон сари от сурди. Кўп ўтмай бир улкан каср кўринди. У ерда дев истикомат киларди. От туёклари овозини сезган Ахраман бошини чикариб узокда бир отлик йигит бепарво холда унинг касрига караб келаётганини кўрди. Чавандознинг кўринишидан девларни хам халок киладиган кудратга эга эканлиги сезилиб турарди. Шунда Ахраман момакалдирокдек ках-каха урди-да, кўлига минордек катта бир устунни кўтариб касрдан чикиб келди ва Фарходга караб: «Эй гафлат босган одамзод, фаришта ўтса, жонидан айриладиган, бургут учиб ўтса, каноти куядиган бу вахимали ўрмонга кириб келишингдан максадинг нима, нахотки ўлмакни истаб колган бўлсанг!», дея хайкирди-да, Фарход бошига гурзиси билан хамла килди. Шахзода унинг гурзисини киличи билан иккига бўлиб ташлади. Дев касрига кайтиб кириб, олдингисидан хам каттарок гурзини кўтариб чикиб, Фарходга яна хужум килган эди, шахзода унинг бу куролини хам кесиб ташлади. Бу холат бир неча бор

такрорлангач, Ахраман газабланиб тог томон йўл олди-да, улкан тошларни ракиби томон отишга тушди. Шахзода калкон билан ўзини химоя килди, шунда исми аъзамга кўзи тушган девнинг дармони кетиб, ерга кулади. Фарход бу холатни кўриб, Ахраман устига етиб борди-да, килич билан уни халок килди.
Шахзода девнинг хашаматли касри ичига кириб караса, хамма томонда катор-катор эшиклар бўлиб, барчаси кулфлоглик экан. Уларнинг тепасига уй ичида кандай бойлик борлиги ёзиб кўйилибди. Бу ёзувларни бирма-бир ўкиб бораётган Фарход олтин-у жавохирлар билан безатилган, атрофига турли ёзувлар битилган ажойиб эшикка дуч келди. У ёзувларда эшикнинг кулфи осонликча очилмаслиги, яхшиси бундай орзудан воз кечиш кераклиги айтилган экан. Бу сирни аниклашга кизиккан Фарход эшикни синдириб ичкарига кирди. Хонага кўз югуртириб, осиб кўйилган бир ёкут кандилни кўрди. У нур сочиб, хонани ёритиб турарди. Кандилни тушириб очган эди, унда Сулаймон узуги турганини кўрди. Кандилга: «Бу узук кимга муяссар бўлса, унга ёзилган исмни ўкиб, Искандари Румий тилсимини очади ва бу иш кийинчиликларини енгиб ўтиш йўлларини билиб олади», - деб ёзилган экан. Фарход узукни ўпиб, сажда килди-да, худога шукроналар айтиб отига минди ва ўрмондан чикиб, лашкар турган жойга йўл олди. Барча сипохлар Ахраман хавфидан кўркиб туришган экан, шахзодани кўриб ўзларига келдилар. Хокон Фарходни шод кўриб хурсанд бўлиб кетди. Шахзода лашкарни бошлаб ўрмонга олиб кирди. Уларни каср эшиги олдида отларидан тушириб, хокон ва Мулкоро билан каср ичига кирди. Хазинани икковларига такдим этди ва узук хакидаги гапларни уларга сўзлаб берди. Икковларининг кўнгиллари шодликка тўлиб, кечагидек айш-ишрат бошланиб кетди.
Куёш кўтарилиб, олам мунаввар бўлгач, Фарход харбий анжомларини ростлаб, отасининг дуосини олди-да, Искандар тилсимини очиш йўлидаги кейинги ишни бажаришга киришди. Отига миниб йўлда борар экан, бир гўзал майсазор намоён бўлди. У ерда хаёт чашмасидек ажойиб бир булокдан зилол сувлар отилиб турарди. Киргогидаги ям-яшил дарахт кўкка бўй чўзиб турар, булок билан дарахт хаёт суви-ю, Хизр пайгамбарга ўхшарди. Буларни кўриб кўнгли яйраб кетган шахзода отини дарахтга боглади-да, чашмага тушиб чўмилди, кейин муродига етказишни тилаб, саждага бош кўйди. Ибодатини тугатиб, бошини кўтарган эдики, рўпарасида яшил кийинган нуроний бир мўйсафидга кўзи тушди. Фарход хайрон бўлиб турганига эътибор берган отахон сўз бошлади: «Эй фарзанд, мурод-максадларингга етиб, бахтиёр бўлгил. Мен - Хизрман, бу ерга сенга мадад кўрсатиш учун келдим. Искандар билан оби хаёт - хаёт сувини топиш учун зулматга кирганимизда, мен ўша сувдан ичиб абадий хаётга эришдим-у, Искандарга насиб бўлмади, у ташналигича кайтиб кетди, кейинчалик мунажжимликка кизикиб, юлдузларни ўрганди, тилсимлар яратди. У боглаган тилсимларни мен очишга ўргандим. Ушбу водийда хам тилсим мавжуд бўлиб, уни очишда сенга ёрдам бермокчиман. Тилсимни очиш учун хозирдан бошлаб хар бир кадамингни санаб босишинг керак. Сенинг йўлингда бахайбат бир тилсим учрайди, унинг деворлари осмонга туташиб кетган. Ўша жойдан ўн икки минг кадам юрасан. Йўлнинг икки чеккасида кескир киличга ўхшаш тошлар ўрнатилган бўлиб, йўлдан салгина чиккан одамнинг оёгини кесиб юборади-да, у ўзини яна ушбу чашма олдида кўради.
Яна ўн бир минг кадам боссанг, йўлда бир дарбанд (дарвоза) кўринади, олдида бир шер темир занжир билан боглаб кўйилган. Унинг олдидан ўтгач, кўргонгача яна минг кадам йўл колади. Тўккиз юз кадам босганингда, бир тош тахтага кўзинг тушади. Унинг устига чикиб тепсанг, калъа дарвозаси очилади-да, ичида темирдан одамга ўхшатиб ишланган

бир жисм кўринади. У кўлига темир ёй ушлаб турган бўлади. Ёйга ўткир бир ўк кадалган. Ушбу жисм бошдан оёк темир совутда бўлиб, кўксига бир ойна кадалган, у куёшдек яркираб туради. Одам юз кадам ердан унга ўк отиб, ойнани тешиб юборса, хайкал хам, девор устида турган юзта шундай жисм хам кулаб, ерга йикилади. Шунда тилсим хам очилиб, ичкарига кўркмай кириш мумкин бўлади. Лекин ўк хато кетиб, хайкал кўксидаги ойнани синдиролмаса, у билан девор устида турган юзта хайкаллар отган ўклар ўша одамга тегиб, илма-тешик килиб юборади. Менинг сўзларимни укиб олган бўлсанг, уларни эсингдан чикарма, кадамингни санаб бос, исми аъзамни тилингдан кўйма. Шер огзини очганида, узукни унинг огзига от, уни даф килгач, яна узукни олиб, мен айтган тошгача юриб боргин-да, тош устига чикиб, уни тепиб, дарвозани очгач, дархол кўлингга ўк-ёйни ол, исми аъзамни айтиб туриб хайкалга ўк от». Бу сўзларни тугатгач, Хизр «Энди хеч кўркмай, йўлга туш», деди. Фарход унинг оёгини ўпиб, мўйсафид айтган ишларни бажаришга жўнади. Шер огзига узукни отиб, нобуд килди, яна узукни олиб, санаб кадам ташлаб, Хизр айтган тош устига чикиб, каттик тепган эди, калъа ичидан каттик садо - кучли овоз эшитилди-ю, дарвоза очилгач, овоз тинди. Ичкаридан темир совут кийган жисм чикиб келди, шу пайт девор устида унга ўхшаган яна юзта шундай хайкал пайдо бўлди. Барчаси ўз ёйларидаги ўкларни Фарходга отиш учун тайёрланиб турарди. Шахзода эхтиёткорлик билан ўк ва ёйни кўлига олди-да, дарвоза олдидаги хайкал кўксида турган ойнага караб отди. Темир хайкал, у билан бирга девор устидаги юзта ўкчи хам ерга йикилди.

Фарход яратганга шукрона айтиб, дарвоза томон юрди. Калъа ичига кирганда, хамма томонда хадсиз-хисобсиз бойликларга кўзи тушди. Искандар етти иклимни эгаллаганда топган давлатининг барини шу ерга тўплаган экан.

Калъа марказида бир иморат бўлиб, ундан нур таралиб турарди. Фарход унинг ичига кириб, бутун жахонни кўрсатадиган ялтирок бир жомни кўрди. Ундан шодлиги ичига сигмаган шахзода ўз сафдошлари томон жўнади, чашма олдига етиб келиб, отига минди-да, хокон хузурига караб йўл олди, отаси билан лашкар ахлини кайгу-гамдан озод килиб, кўнгилларига шодлик багишлади. Барчаларини чашма олдига бошлаб келиб, аскарларни отлардан туширди-да, хокон ва Мулкоро билан бирга калъа томон юришди. Фарход у ердаги барча бойликларни, жумладан, Жамшид жомини хам хоконга тухфа килди. Окшом тушгач, яна айшу ишрат бошланди.

Эртаси куни тонг отгач, Фарход Сукрот гори бўлган тог томон шошилди. Хокон ва лашкарнинг бир кисми унинг изидан йўлга тушдилар. Анча масофа босиб ўтилгач, бахайбат тог олдига етиб келдилар. Унинг багридан юз мингта тиник чашма отилиб турар, неча минг хил гиёх бехисоб касалликларга даво эди. Тог багридан жуда кўп горлар жой олганди. Хокон билан лашкар бу манзарадан лол колиб туришаркан, Фарход: «Жоми Жамни келтиринглар, кўнглимиздаги ташвишдан у халос килса керак», - деб буюрди. Тезда жомни олиб келишди. Унга бокиб, барча жахон яккол кўзга ташланиб турганини, етти иклимнинг барчаси унда намоён эканлигини кўришди. Жомда Юнон мамлакати кўриниб турарди. Кейин унда гор ичи акс этиб, Сукрот яшаб турган манзил кўзга ташланди.

Шундан сўнг кидириб гор огзини топишди-да, аввал жахоннамо жомни унга олиб киришди. Жом машъалдек нур сочиб, коронги гор ичини кундуздек ёритди. У ердаги йўлни аниклаб, Сукрот маконини излай бошладилар. Нихоят, йўл тугаб, горнинг кенгрок бир ерида хамма отдан тушди. Ўша жойда тошдан ясалган бир пиллапоя кўриниб турарди. Шох, вазир ва Фарход беш-олти поя кўтарилишган эди, бир айвон намоён

бўлди. Шох, Мулкоро ва шахзода ўша томонга караб юришганда, уй тўридан уларни ичкарига даъват килган овоз эшитилди. Учовлари кирган уйда бир парча нур порлаб турар, нуроний бир мўйсафид ўтирарди. Бу зотни кўрган шох билан шахзода таъзим килиб, олдида ер ўпдилар. Мўйсафид улардан: «Йўл азобидан чарчамадингларми, йўлдаги балолардан кийналмадингизларми?» - деб сўради. Учовлари бошларини куйи солганларича лол бўлиб жим туришарди. Шунда Сукрот хоконга караб: «Сен кўп азоб чекдинг, бунинг эвазини Тангри бергусидир. Биз томон келишда алам тортиб, бехисоб бойликларни, Сулаймон узуги-ю, Жамшид жомини кўлга киритдинг. Биз хам сенга иккита хадя берамиз. Булардан бири яхши хабар, иккинчиси бир жавхардир. Хабар шуки, умринг узун бўлади, кўп мамлакатларни кўлга киритасан. Иккинчиси бир мухра - мунчокдирки, кўп яшаш даврида бирон касалликка ёки карилик заифликларига дуч келсанг, мухрани огзингга олиб сувини ютасан-да, дарддан халос бўласан, заифлик кувват билан алмашади, кариликдан кутулиб, яшаргандек бўласан».
Сукрот Мулкорога бокиб, шундай башоратни айтди: «Сен хам кўп азоблар тортиб бу томонларга келибсан, шох канча вакт тахтда ўтирса, ўшанча вакт унинг вазири бўлгайсан. Хар качон сенга бирон дард йўликса, шох халиги мухрани бериб дардларингга шифо багишлайди. Лекин икки нарсадан: шамол билан сувдан эхтиёт бўлсанг, улардан сенга бирон касаллик етганда Худо сенга мададкор бўлса, яна беш юз йил яшайсан». Шох билан Мулкорога бу сўзларни айтгач, узр сўраб уларни уйдан чикариб юборди-да, Фарходга якинрок келишини буюрди, унинг юзига синчковлик билан тикилиб, баъзи нарсалар хакида сўради, сўнгра шахзодага караб: «Хузуримизга хуш келибсан, коронги уйимни равшан килдинг. Мен бу тог ичида сени минг йилдан бери кутиб, кадамингга интизор эдим. Алхамдулиллох, юзингни кўрдим. Вактимиз оз, чунки абадийлик кўчасига йўл олишим керак. Билгинки, жахон азалдан вактинчалик, фонийдур. Хаётдан максад эса иккитадир, бири ўзликдан кутулиш, иккинчиси эса Аллох висолига етишишдир. Худони топиш учун эса ўзликдан воз кечиш зарур. Бунинг энг яхши чораси эса мажозий ишкдир. Ана шундай ишк сенинг олдингда турибди. Унга эришсанг, хакикий ишкка хам етишасан. Отангга ўхшаган юз минг хокон-у подшо унутилиб кетади, лекин сенинг яхши номинг ишк оламида мангу колади», - деди-да, унга турли балолардан асрайдиган бир дуони ўргатди.
«Сени бу томонларга келишинг учун сабаб бўлган кўзгу масаласига келсак, - деди Сукрот, - Искандар тилсимини очиб, темир хайкал кўксидаги ойнани синдирган чогингда ўша кўзгунинг тилсими хам очилган эди.
Бу ердан жўнаб Чин мамлакатига етиб борганингдан кейин кўзгуни кўришни истайсан, албатта. Шунда оркасига ёзилган гаплар унинг юзида намоён бўлади. Уни кўрар экансан, ишк кўнглингдан ўрин олиб, ошиклик даворинг бошланади. Кейин кўзгуга хар канча карасанг хам унда акс этган нарсаларни кайта кўролмайсан. Ишк ўтидан кўнглинг ўти осмонгача етади, лекин хеч ким сенга ёрдам беролмайди, аммо охири ўз муродингга етасан, шунда мени хам ёд этишни унутмайсан, деб умид киламан».
Сукрот шу сўзларни айтиб тугаллагач, хаётдан кўз юмди. Фарходнинг дили кайгу-изтиробга тўлиб, хокон билан Мулкорони чакирди. Улар хам алам чекишиб, донишманд айтган гаплардан хабардор бўлдилар. Бир неча доно кишини чакириб, Сукротни дафн этдилар. Эртасига эрталаб барчалари Чин сари йўлга тушдилар.
Хокон, Фарход, Мулкоро ва лашкарлар кечани кеча, кундузни кундуз демай, тўхтовсиз йўл босиб, нихоят Чин диёрига кадам кўйишди. Хокон ўз тахтини эгаллади, Фарход эса оромини йўкотиб, хазина калитларини олди-да, эшиклар очилиши биланок бекарор

бўлиб, сирли кўзгу сари югурди. Биллур сандикни калит билан очдирди-ю, ичидаги кўзгуни кўлига олиб, унга назар ташлади. Кўзгуда ажиб бир дашт намоён бўлди. Хилма-хил гулу лолаларга, сунбулу бинафшаларга, кўм-кўк майсазорларга тўла бу дашт охирида бир тог осмонга бўй чўзиб турар, унинг ичида сон-саноксиз одамлар арик казиш билан овора эди. У одамлар орасида Фарходнинг ўзига ўхшаган бир йигит хам тогни кесиш билан банд эди. Бир пайт тог ичига бир-биридан гўзал бир тўда гўзал кизлар кириб келишди. Уларга гул юзли бир киз рахбарлик киларди. Бошка кизлар ой бўлсалар, бу улар ичидаги куёшга ўхшарди. От устидаги бу сохибжамол киз Фарходга ўхшаган йигит олдига караб юрди. Шахзода тимсоли кизнинг юзига бокди-ю, яраланган оху каби нола килиб, ерга йикилди. Бу холатни томоша килаётган Фарход кўзгуни якинрок келтириб, унда кўринган киз жамолига диккат билан бокди-ю, ўз тимсолига ўхшаб хушидан кетиб йикилди. Шахзоданинг ахволини кўрган хизматкорлар дархол хоконга хабар етказишди. У эса ёкасини йиртиб, фарёд уриб хазинага караб югурди. Онаси ўглини ўлиб колган деб ўйлаб сочларини ёйиб йиглашга тушди. Мулкоро билан унинг ўгли, шахзоданинг якин дўсти Бахром Фарходнинг холига бокиб кўксиларини пора килишди. У эса ўчган шам каби хушсиз ётарди. Бир кеча-кундуз ўтгач, богдан эсаётган тонг шамоли исидан ўзига келиб, боши устида йиглаб турган отаси билан онаси, Мулкоро билан Бахромларга кўзи тушди. Бундан уялиб кетган шахзоданинг яна хушидан кетиб йикилишига оз колди. Кўпдан-кўп узр сўраб, ўрнидан турди-да, уларнинг оёкларига юзини суртиб, ер ўпди ва:

Деди: «Билмон, не холат даст бермиш,
Ки сизга мужиб ушбу мотам эрмиш.
Бу иш гар хўб, агар зишт эрди бори,
Манга, биллах йўк эрди ихтиёри.
Тутунг маъзурким, расво бўлубмен,
Демай расво бўлубменким, ўлубмен.
Бўлинг хуш ботину зохирда мендин,
Губоре асраманг хотирда мендин»

Фарход хижолат чекиб, бу сўзларни айтаётган бўлса хам, унинг жони билан кўнгли кўзгуда эди. Барчалари уйларига таркалгач, Фарход яна кўзгу юзига бокди. Лекин энди хеч нарса кўринмасди. Чунки кўзгуни ясаган олим ундаги манзара факат бир марта кўринадиган килган эди. Бу холатдан махзун бўлган шахзода: «Бошимга огир ташвиш тушди. Лекин ўзимни пора-пора килиб ташласам хам, максадимга етолмайман. Шундай экан, акл билан иш кўришим ва отамни хурсанд килишим зарур. Агар бетокатлик килиб бирор томонга бошимни олиб кетсам, хокон ўша захотиёк мени излаб топиш учун юз мингта лашкарини жўнатади. Улар бутун Чин мамлакатини кидириб, икки-уч кун ўтмай мени топишади. Сипохлар билан жанг килсам, кўп бегунох одамлар халок бўлиши аник. Ахир Чин халки менга кандай ёмонлик килибдики, мен шундай йўл тутсам?! У холда кайси кўз билан шох кўзига бокаман-у, эл юзига карайман? Гам-аламимдан хабар топган хокон мени асраш учун атрофимга сокчилар кўйса, ахволим янада огирлашади. Эс-хушини йўкотиб девона бўлибди деб, оёгимга банд солиб, узок бир жойга жўнатса, холим не кечади? Шунинг учун ўзимни эхтиётлаб, аклни юритиб иш килганим маъкул», деган карорга келди. Аммо кунлар ўтар экан, куввати кетиб, жисми турли касалликларга чалина бошлади. Таъбида жиннилик аломатлари пайдо бўлиб, савдойиларча сўзлар айта бошлади. Кўнглида сабру карор тугаб, килаётган ишларини билмайдиган бўлиб колди. Бу ахволни кўриб турган шох билан вазирнинг дарду алами кундан-кунга ортиб

борарди. Уларнинг шахзодага килаётган панду насихатлари фойда бермас, кандай чора топишни билмай изтироб чекишарди. Фарходнинг холати борган сари огирлашаётганини кўрган шох табибларни тўплаб, улар билан маслахатлашди. Анча тортишувлардан кейин табиблар бир фикрга келишиб, шохга шундай дедилар:
- Олампанох, шахзоданинг мижозида иссиклик кўпрок эди, шунинг учун майни хам ёктирарди. Икки-уч ёшидан ўн бир-ўн икки ёшига кадар ўкиш билан банд бўлди, икки-уч йил касблар билан шугулланди, бунинг устига узок йўлни босиб ўтди. Тилсим очишни орзу килиб аждару дев билан олишди. Шуларнинг барчаси сабаб бўлиб, мижозини иссик ва курук килиб кўйиган. Хозирги кунларда хаво нихоятда исиб кетди. Хатто булоклар кайнаб кетяпти. Бундай айёмда факат салкин хаволи жойларда нафас олиш шахзодага даво бўлиши мумкин. Денгиз билан борилса, беш кунлик йўлда бир ажойиб орол бор. Унда баланд бир тог мавжуд, унинг устида эса етти-саккизта булокдан муздек сувлар отилиб туради. Орол атрофидаги денгиздан ёкимли шамол эсса, тог чўккисидан совуклик уфуриб туради. Хаттоки совукдан чашмалар музлайди. Шахзода ана шу ерга борса, кўнгли очилиб, муборак жисми кувват топади.
Табибларнинг бу сўзлари шохга маъкул бўлди, дархол Мулкорога денгиз сафари учун хозирлик кўришни буюрди. Вазир тез орада барча тайёргарликларни нихоясига етказгач, шох Фарходни огохлантириш учун одам юборди.
Бўлиб ўтган гаплардан, денгиз сафари бошланаётганидан хабар топган шахзоданинг кўнгли шод бўлиб: «Шох олдида менинг ушбу сўзларимни айтинг: «Шохнинг истаги менинг истагимдир. У каёкка боришни истаса, мен у билан доим биргаман», деб буюрди. Бу сўзларни хоконга етказганларида, унинг кўзи ёшга тўлиб дуога кўл очди. Сўнг кемаларга барча керакли нарсаларни ортишга фармон бериб: «Мен хам эртага денгиз сафарига чикаман», деди. Бу хабарни эшитган шахзода бенихоя шод бўлди. Унинг максади хам худди шундай эди.
Эрталаб шох билан шахзода отларига миниб, денгиз сохилига етиб келишди. У ерда ёгочдан ясалган бир шахар кўринди. Бехисоб кемалар сафарга тайёр бўлиб турарди. Уларнинг баланд елканлари кўзни камаштирарди. Хар кайси кеманинг ичи бир уйдек келарди. Катта кемаларнинг сони икки юзта бўлиб, уч юзу эллик кемача хам фалак денгизидаги янги ой-хилоллардек кўзга ташланарди. Яна кўплаб тез сузувчи кайиклар хам бўлиб, кемаларнинг умумий сони бир минг беш юзтага етарди.
Хокон билан Фарход ўзларига мўлжалланган кемага чикишди-да, у ерда куриб кўйилган шохона тахтларга ўтиришди. Неча минг мохир кемачилар ишга киришиб денгиз томон йўлга тушишди. Орзулари бўлган оролга караб икки кеча-кундуз сузишди. Шамолдан денгиз мавжланганда, юз турли баликларга кўзлари тушди. Сув устида хар бири тогдек келадиган улкан баликлар уёкдан буёкка сузиб юришар, оркалари умр дарахтини кесиш учун яратилган аррага ўхшарди. Наханглар кичик баликларни ов килишар, бир-бири билан уришиб кетса, икки тог тўкнашгандек кўринарди. Хилма-хил жониворлар бехисоб эди. Шох билан шахзода хар тарафга бокишиб бу ажойиботларни тўймай томоша килишарди.
Тўсатдан денгиз устида кучли шамол эса бошлади-да, кемадаги кишиларнинг юракларига кўркув солди. Кари денгизчилар: «Бундай шамол хар юз йилда бир марта юз берарди, у яхшилик келтирмайди», - деб вахима килиб, ёкаларини йиртишарди. Шамол янада кучаймасдан туриб шох билан шахзода омон колишлари учун кема олдига тез сузадиган бир кайикни келтиришди, Фарход унга тушиб олган хам эдики, катта бир тўлкин келиб урилгач, кема билан кайикни бир-биридан ажратиб ташлади. Ота кемада

ох чекканча колиб, ўгил тушган кайик денгиз тўлкинлари узра сузиб борарди. Икковларининг ораларига кўришиш насиб этмайдиган айрилик тушди.
Шундан сўнг тўфон янада кучайиб, кетма-кет кўтарилаётган тогдек тўлкинлар кўпчилик кемаларни бир-бирига уриб парчалаб ташлади. Коронгу тушгунча тўфон тинмади. Нихоят шамол тўхтаб, денгиз тинчланди. Тонг отгач, кемалардан кўпчилигининг сувга чўкиб кетгани, одамларнинг аксар кисми халок бўлиб, анчаси баликларга ем бўлгани, тахта парчаларини ушлаб олиб омон колган одамларни тўлкинлар хар чеккага улоктириб ташлагани маълум бўлди. Лекин шох билан Мулкоро катта кема ичида омон колишган экан. Ичидаги одамларнинг баъзиси ўлиб, баъзилари эса бехуш ётарди. Хокон кемаси бир киргокка етиб боргач, шу атрофдаги одамлар етиб келиб, тўфондан алам чеккан кишиларга ёрдам кўрсатишди, бехуш ётганлар аста-секин ўзларига келишди.
Шох Фарходнинг гойиб бўлганидан каттик изтиробда колди, кейин: «Балки тўлкинлар уни бирон киргокка олиб бориб ташлагандир», деб тирик топишга умид килди-да, Сукрот айтган сўзларини эслади. Омон колганини ганимат билиб, ўз мамлакати томон йўл олди.
Денгизда кучли шамол кўтарилган чогда Фарход тушиб олган кайик тўфон юз берган пайтда денгизга гарк бўлди-ю, шахзода бир тахтага махкам ёпишиб олиб омон колди. Тўлкинлар бу тахтани у ён-бу ён отар экан, Фарход жонидан умид узиб кўйиган эди. Денгиз тахтани Яман мамлакати томонга суриб кетди. Шахзода тахта устида бехуш ётаркан, Яманга караб бораётган тез сузар бир кема устидаги савдогарлар кўриб колишди-да, денгизчиларни шахзода томонга юборишди. Йигит тахта устида ўликдек ётарди. Куткарувчилар нафас олаётганини кўриб, тирик эканига ишонч хосил килишди-да, кемага олиб чикишди. Кема ахли турли хидли моддаларни бурнига тутишган эди, Фарход кўзини очди. Шарбат ва овкатлар бериб уни ўзига келтиришди. Нихоят шахзода туриб ўтирди-да, ўзи билан нима ахвол юз берганини сўради. Савдогарлар бўлган вокеаларни сўзлаб бердилар, кейин йигитнинг кимлигини сўрадилар. Фарход: «Биз, бир гурух савдогарлар Хўтандан Яман томон келаётган эдик, тўфон кемамизни денгизга чўктириб юборди. Мен мана шу тахта устида омон колдим. Гох хушёр, гох бехуш ётардим. Хушимни йўкотган вактда сизларга дуч келибман. Мен хаётдан умидимни узиб кўйигандим. Сизларнинг яхшилигингиз туфайли ўлимдан кутулиб колдим. То тирик эканман, сизларнинг хизматингиздаман», -  деб жавоб кайтарди. Бу сўзларни эшитган кема ахли уни ёктириб колиб, то кувватга киргунича унга мехрибонлик кўрсатишди.
Бир куни кемадагилар ўзлари томон сузиб келаётган бир неча кайикни кўриб колишди-ю, хаммалари ох-вох кила бошлашди. Фарход бунинг сабабини сўраган эди, улар йиглаб: «Сен денгиз устида кўраётган бу кайиклардаги одамлар ороллардa яшайдиган карокчилардир. Биттами, иккитами ёки учтами кемани кўриб колишса, хар томондан ўраб олишиб нефтли шиша идишларни ёндириб туриб, кема томон отишади-да, одамларни ўлдириб, молларини эгаллаб олишади. Биз денгиздаги тўгри йўлдан адашиб, тўфон махали шу ерга келиб колибмиз. Уларга дуч келган одамларда кутулиш умиди колмайди», дедилар. Савдогарларнинг бу сўзларини эшитган Фарход уларнинг кўнгилларини шод килиб: «Сизлар хечам кайгурманглар, Худо сизларни хар кандай офатдан омон саклайди. Сизларда кўпрок ўк билан кучли ёй топиладими?» -  деб сўради. Унинг гапларига хамма хайрон бўлди-ю, лекин сўраган нарсаларини тезда топиб келишди. Ёй Фарход истаганича бўлмаса хам, ўклар ёйга мос эди. У ё-ю ўкларни хозирлагунча, хар томонда
н карокчилар етиб келишди-да, кемага ўт ёгдириш учун нефтли шишаларини хозирлай бошлашди. Кемани уларнинг шишалари етмайдиган жойда тўхтатишни буюрган Фарход

шишадаги нефтни ёкиб, савдогарлар кемасига отмокчи бўлиб турган карокчини нишонга олиб, шундай ўк уздики, нефтли шиша парчаланиб, кайикка ўт кетди-ю, ундаги барча карокчилар ёниб кетишди. Яна бир кайикка караб ўк отган эди, у хам ёниб кетди. Иккита кайикдагилар куйиб кетгач, карокчилар кочишга киришишди. Улар ўз кемалари бошини оркага бургунича, Фарход яна ўн-ўн беш кайикни шу тарзда куйдириб йўк килди. Карокчиларнинг баъзилари ўлиб, баъзилари куйди, колганлари кочиб колди. Бу ишларни кўриб турган кема ахли хурсанд бўлишиб, унга молу жонларини беришга тайёр эдилар. Фарход эса хамон ўз дард-у аламлари билан банд эди. Бир неча кун ўтгач, улар кўзлаган манзил кўринди. Кема Яман бандаргохи томон йўл олди, хамма сохилга чикди. Денгиздаги минглаб балолардан омон колган барча савдогарлар гоятда хушнуд эдилар. Шахардаги бир манзилда жойлашиб сафар кийимларини ечдилар. Сўнгра май топиб келиб, ичишга киришдилар.
Майдан боши кизиган Фарход тахти, касрлари ва сипохлари ёдига тушиб, денгизда колган отаси-ю озор чекаётган онасини эслаб, ўзининг бу тарзда овора бўлиб юргани, кўнглидаги ёрига етиша олмаётганидан хафа бўлиб, кўз ёши тўка бошлади. Савдогарлар унинг бу холатини кўриб бири йигласа, бошкаси лол-у хайрон бўларди.
Бу ерга тўпланган одамлар ичида бир хунарманд наккош бўлиб, унинг чизган суратлари жахон халклари эътиборини козонганди. У оламдаги барча мамлакатларни кезиб чиккан, Хитойда хам бўлган, Моний билан сухбат курган инсон бўлиб, номи Шопур эди. Саёхат килиб юрар экан, савдогарлар келаётган кемага тушиб колган Шопур Фарход килаётган ишлардан хайратга тушар, лекин бу холатлар сабабини ўйлаб тополмасди. Денгизда кўрсатган жасорати, курукликдаги ушбу ахволи: кўз ёшлари билан чекаётган нола-ю зорларини кузатаркан, ўйлаб-ўйлаб унинг кўнглини ишк тиги яралаганини англаб етди. Бу хакда сўз очилганда эса, Фарход бепарводек кўринарди. Йигит дилидаги дардни сўраб билолмаган наккош ишк дарди хакида сўз очди. Унинг хикоялари Фарходга таъсир килаётганини кўргандан кейин Шопур ишкий афсоналарни кўпрок сўзлаб берадиган бўлди. Шу тарзда икковлари дўстлашиб колишди.
Фарход Шопурни бир дам кўрмаса, дарров уни излаб топар ва мухаббат хакидаги афсоналаридан айтиб беришини илтимос киларди, уларни эшитар экан, йигидан тинмасди. Нихоят Фарход Шопурнинг ўз ахволи хакидаги саволларига жавоб берадиган бўлди.
Бир куни Шопурнинг: «Ота-онанг, мамлакатинг хамда ўз хаётинг хакида сўзлаб бергин», - деган илтимосига: «Бу гаплардан фойда йўк, яхшиси сенга бир вокеани айтиб берай. Бир куни бир ажойиб мамлакат тушимга кирди. Унга ўхшаш ўлкани кўрган эмасман», - деди-да, кўз олдида намоён бўлган манзараларни бирма-бир сўзлаб берди. Гап ўзи севиб колган кизга такалганида эса ох тортиб, хушидан кетиб колди. Шопур уни зўрга хушига келтирди. Атрофдаги одамлар эса тўхтовсиз май ичиш билан банд бўлиб, иккала дўстнинг гапларига парво килишмасди. Шунда Шопур: «Дўстим, мен сенга хамсухбат бўлиб, яширин сирларингдан огохлик топдим. Сен энди гам емагин, чунки сен белгиларини айтиб берган ер жахондаги энг гўзал жой бўлиб, мен уни кўрганман. Хавоси рохатбахш, гуллари хисобсиз, гўзалликда Боги Эрамдек бу жойнинг номи Армандир. Сен у ерга бормокчи бўлсанг, мен хамрохлик килай», - деди.
Бу гапларни эшитган Фарход ўз бахтига ишонмас эди. Буни кўрган Шопур: «Сўзларимга ишонмаётган бўлсанг, далил келтирай», - деди-да, когозу каламини кўлига олиб, ўзи айтган диёрнинг суратини чиза бошлади. Шундай бир тасвир яратдики, Фарход кўзгуда кўрган манзарадан биронта хам фарки йўк эди. Суратни томоша килган шахзода

дўстининг сўзлари рост эканига ишонч хосил килди-ю, мастлардек йикилди.
Фарход уйкудан кўзини очиши биланок Шопур айтган сўзлар, у чизган ажойиб сурат ёдига тушиб ўрнидан турди-ю, Шопур олдига югурди. Унинг товушидан уйгониб кетган Шопур бу келишдан унинг максади нима эканлигини сўради. Фарход унинг оёгига бошини кўйиб: «Берган ваъдангга вафо килгил!», - деб илтимос килди. Шопур розилик билдиргач, иккала дўст йўлга тушдилар. Манзилма-манзил дам олмай боришар экан, Шопур билан Фарход ширин сухбатлашар, дўстлик, хамдардлигу хамкорлик хакида фикрлашишар, Арман диёри тасвирланган сурат тўгрисида сўз юритишарди.
Шу тарзда анча юриб, Арман мамлакатига кадам кўйдилар. «Сен тушингда кўрган мамлакат мана шу. Атрофни айланиб томоша килгин-да, ўзинг тилаган жойни топгин», - деди Шопур. Фарход шу диёрни икки-уч кун кезгач, ўзи тушида кўрган дашт унинг кўзи олдида намоён бўлди. Ўша майсалар, ўша савсан, ўша гуллар, атрофида ўша булбуллар... Каёкка карамасин, ўзига таниш гуллар, тиканлар, гиёхларни кўрарди. Булардан кўнгли хаяжонга тўлиб, безовталанарди. Шунда Шопурга караб: «Эй хамдам дўстим, тушимда кўрган хамма нарса бу ерда кўриниб турибди. Энди менга якинрок юриб, холимдан хабардор бўлиб тургин. Бу ерда тош казиётган одамларнинг шовкинлари эшитиляпти, жоним эса ўша томон боришга интиляпти», - деди.
Иккала дўст ўша тарафга йўл олдилар. Кўп ўтмай тог ичида арик казиш билан машгул бўлган икки юзга якин одамларни кўрдилар, хаммаларининг кўлларида теша бўлиб, уни тошга уришар, лекин каттик тошларни кесиш шунчалик кийин эдики, юз марта теша урилганда хам нўхатча, хатто кўкнор уругича тошни хам кесиб олиша олмасди. Икки юзта уста уч йил давомида тўхтовсиз метин урсалар хам, факат икки-уч юз кари9 ердаги тошнигина казиб олишган бўлиб, уларнинг хам кўпи чала холича ётарди. Тош кесувчилар бу хил азоблардан алам чекишар, лекин ишбошилар уларни тинимсиз жазолашарди. Бу ахволни кўрган Фарход усталар олдига келди-да: «Эй жафо чеккан одамлар, чекаётган азобингизнинг сирини айтинг, нега бунчалик алам чекяпсиз, бу бало сизнинг бошингизга качон тушди? Сизларни кўриб ичимга ўт туташди», - деди. Кари - 75 см га тенг бўлган узунлик ўлчови Тош кесувчилар унинг бу сўзларидан хайрон бўлдилар-да, сўнг юзидан нур томиб турган Фарходни дуо килишгач, жавоб килдилар: - «Жаннатнинг рашкини келтирувчи бу мамлакатга Афридун насабидан бўлган, фазилатда эса Жамшиддан хам юкорирок турувчи малика Мехинбону хукмронлик килади. Унинг гўзал бир жияни бўлиб, хусну жамолини тасвирлаб беришга ожизмиз, чунки биронта одам хам унинг юзини кўргани йўк. Унинг чехраси гулдек, киприклари тикандек дейишади. Мехинбону бу кизни яхши кўрганидан доим ўз ёнида олиб юради.
Биз казиётган ушбу тогнинг бир боши шаркка, иккинчи боши эса гарбга туташади. Шарк томонида бир чашма бор бўлиб, уни «Айнул - хаёт», яъни «Тириклик чашмаси» деб аташади. Унинг сувини ичган ўлик хам тирилиб кетади. Маликанинг жияни хам баъзида ушбу булок олдига келиб, дугоналари билан ўйин-кулги килишади. Тогнинг гарб томонида эса у киз яшайдиган мамлакат - Армания жойлашган. Ой юзли сохибжамол ўзи яшаётган манзилда мухташам бир каср курдиришни хохлаяпти. У ер жуда чиройли, хуш хаво бўлса хам, суви йўк. Шунинг учун мухандислар арик казиб, чашма сувини каср томон окизишни маъкул кўришган. Чашмадан касргача ўн йигочга якин масофа бор. Лекин тогдаги тошларни тешалар, хаттоки метинлар билан хам парчалаб бўлмаяпти. Уч йилдан бери азоб тортиб келяпмиз, синмаган метину теша колмади. Бу огир мехнатдан йигитлар чолларга ўхшаб колишди. Казиган еримиз эса икки-уч юз каридан ошмайди. Бу ахволда Нух пайгамбардек узун умр кўрсак хам, бу ишни тугаллашимизнинг иложи йўк».

Бу сўзларни эшитган Фарходнинг кўнгли ношод бўлиб:
Деди: «Бу неча мазлуми ситамкаш,
Фалак бедодидин бўлгон аламкаш.
Ки вайронлигларида юз халалдур,
Агар килсам мадад вокеъ махалдур.
Хунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроккаму кетгумдур охир.»
Сўнгра темирчидан дам билан кўра сўраб олди-да, белига чарм пешбанд боглаб, дам учини кўрага махкамлади, кўмирни тўкди ва дам бериб, уни чўкка айлантирди. Шундан кейин бор теша-ю метинларни йигдирди-да, хар ўн-ўн беш метинни ўтга солиб эритиб, улардан битта метин ясади, шунча тешани хам битта тешага айлантирди. Яна тог казишда ишлатиладиган гурза, кайрок каби асбобларни ясаб, уларнинг барчасига халкдан яширин холда Корандан ўрганганидек сув берди. Одамлар унинг ишларини хайратланиб кузатишар, савол беришни лозим топмай жим туришарди.
Фарход ўзи хозирлаган асбоблар билан арик казишга киришиб, тошларни худди сел кумни ўйгандек осонлик билан кўчира бошлади, сўнг бахайбат тошларни метин билан уриб майдалади. Теша урганда сачраётган тош парчалари бир йигоч ерга бориб тушаркан, караб турганлар улардан бошларини олиб кочишга мажбур бўлишар эди. Фарход ўша куниёк тошларни кесиб, арикнинг бир кисмини тайёр килди. Икки юзта тошкесар уста уч йил ичида бундай ишни бажара олмаган эдилар. Унинг килган ишлари элга овоза бўлиб, Мехинбонуга кадар етиб борди.
Арманияга бориб, Мехинбону хузурига кирган бир гурух кишилар: «Арик казилаётган тог ичида бир пахлавон йигит пайдо бўлиб, тош кесишда шундай ишларни килаяптики, одамзод уларни бажаришга кодир эмас», - дейишди-да, кўрганларини тўла-тўкис айтиб беришди. Мехинбону уларнинг сўзларини тинглаб, хайратланди, аввалига ишонгиси келмади, ўйлаб-ўйлаб гўзал жияни хузурига борди-да: «Сенга ажойиб бир хабар келтирдим: сенинг истагингга кўра арик казилаётган тог ичида бир йигит пайдо бўлиб, ажойиб ишлар килаётган эмиш. Уч йилда битган ишни ўзи бир кунда бажарибди», - деди. Мехинбонудан бу сўзларни эшитган Ширин номаълум йигит килаётган ишларни бориб кўриш истагини билдирди. «Арикни казиш учун кўп маблаг сарф килдиму, тошкесувчиларнинг мехнатини эшитиб, унинг битишидан умидимни узган эдим. Энди шундай ажойиб мехмонни бизга йўллаган Худойимга шукрона айтиб, унинг ишларини кўришга боришимиз керак. У бизга керак одамга ўхшайди, шундай экан, биз хам унга мехрибонлик кўрсатайлик», - деди гўзал киз.
Мехинбону билан икковлари отларга миниб тог томон йўл олишди. Улар билан бирга тўрт юзта канизлар хам боришарди. Гулгун от устида бораётган париваш гоятда сохибжамол эди:
...Юзи атрофида дурри лаоли,
Куёш даврида ахтарлар мисоли.
Ики коши хилоли фитна ангез,
Ёзилгон кўп ул ой бошида хунрез.
Не икки анбар осо зулф, вах-вах,
Не икки жонфизо лаб, оллах-оллах.
Огиз устида бурни турфа тимсол,
Тутуб ёнида манзил хиндуйи хол.
Кади авзода жаннат савсанидек,

Юзи гул, лек юз гул хирманидек.
Каду ораз била шамшоду гулфом,
Не шамшоду, не гул, сарви гуландом.
Лабидин жон томиб бисёр-бисёр,
Сўзидин шахд окиб харвор-харвор...

Мехинбону билан жияни тог казиётганлар маконига етишгач, Фарход ишлаётган жой якинига боришди-да, юкорирок бир тепаликдан туриб томоша килишди. Уларнинг кўзи олдида тош кавлаётган бир йигит метин билан арик казир, тошларни парча-парча килар, коши чимирилган, султонлик нури балкир, пешонасидан мухаббат дарди, юзидан эса узок юртдан келганлиги аён бўлиб турар эди.

Бу манзарани кўриб турган Ширин хайрат, таажжуб билан йигитга карарди. Унга нисбатан юрагида мехр пайдо бўлди-ю, юзига парда тутиб Фарходга якинрок бориб сўз очди: «Эй нодир йигит, биз айтмасимиздан бу ишларни бунёд килиб, кўнглимизни гоятда шод этдинг. Сенинг кўлларинг хунар эмас, мўжиза яратди. Хар канча миннатдорлик билдирсак хам, бир кунлик мехнатингга арзимайди. Килаётган ишларингга биздан кайтмаса, Тангридан кайтсин». Кейин Ширин бир лаганда кимматбахо жавохирлар келтиришни буюриб, уларни йигитнинг бошидан сочди. Киз ўзининг бу ишидан мамнун бўлса, Фарход ўзини йўкотиб, зўрга оёгида турарди. Шириннинг нафаси унинг кўнглига изтироб солган, тани титраб, оромидан жудо бўлганди. Кейин кизга бокиб: «Нафасингдан ўзимни ўлган хисоблаяпман, овозингдан эса хаёт азобларидан кутулдим. Кимлигингни кандай килиб билай? Балки ичимни конга тўлдирган сендирсан? Мени бегона юртларда овора килган, диёру мулкимдан айирган ўзингдирсан? Сўзларингни эшитгач, жонимдан айрилдим, ох, юз охки, юзингни кўрмай ўляпман!» - деди-да, шундай бир ох тортдики, Ширин юзидаги парда учиб кетди. Кизнинг оламни безатувчи жамолини кўргач, ўзини кўзгуда мафтун айлаган ва эс-хушидан айирган париваш шу эканлигини билган Фарход фигон чекиб ерга йикилди.

Унинг бу холатини кўрган Ширин ўлди деб ўйлаб, каттик ох чекди. Дўсти кошига дархол етиб келган Шопур Фарход бошини кўксига босганча, зор йиглашга тушди. Унинг ёнида Ширин йиглаб турарди. Бироздан сўнг Мехинбону билан Ширин Шопурни олдиларига чакирдилар-да, Фарход хакида сўрадилар. У ўз дўсти хакида билганларини сўзлаб бергач, Мехинбону билан Ширин зор-зор йиглашга тушишди. Кейин Фарходни подшохона тахтиравонга солишиб, сарой томон йўл олишди. Манзилларига етгач, Мехинбону даргохининг бир бурчагида тахт устига шохона ўрин солиб, у ерга Фарходни ёткизиб кўйишди. У эса халк ахволидан хам, ўз холидан хам бехабар бўлганича бехуш ётарди. Фарход икки кеча-ю икки кундуз гох-гохида нафас олиб, бехуш ётди. Учинчи кечада сарой ахли уйкуда экан, ўзига келди-да, атрофига бокиб, шохона тахт устидаги ўринда шох каби ётганини кўрди. Бу ерга кандай килиб келиб колгани хакида ўй суриб, гўзал кизнинг юзини кўриб, сўзларини эшитар экан, ўзидан кетиб колганин
и эслади. Уялганидан терга ботди-да, уйдан чакмокдек сакраб чикди-ю, севинганича тез-тез юриб, биёбондан ўтиб, арик казилаётган манзилга етиб борди, метин билан тешасини топди-ю, ўзига ўзи: «У паричехра гўзал мен мажнунга шунча мехр кўрсатиб, хушимдан кетганимда эъзоз килибди, унинг яхшилигига кандай жавоб кайтарсам экан? Унинг тилаги шу ариг бўлиб, тугалланишини бесабрлик билан кутаётган экан, менга мухлат берса, шу ниятига етказиб, дардига даво килайин», - деганича, тош чопишга шундай каттик киришдики, тог фарёд килиб юборди. Метинни тошга урганида чакмок чаккандек бўлар, каттик тошларни осонлик билан парчаларди. Туну кун тинмай арик

казир экан, дам олишни билмас, унинг ишларини томоша килишга келган тўда-тўда одамларнинг кети узилмасди.
Фарход хушига келиб, ўз иш жойига кайтган кеча ўтиб, тонг отгач, сарой ахли хам, Шопур хам уни топишолмай гамга ботишди. Шопур уни излаб келиб, ишлаётганидан хабардор бўлиб гамини унутган бўлса, Ширин айрилик ўтида ёнарди. Охири бир бахонани ўйлаб топди. Мехинбонуга: «Мен арик казишга буюрганимда, такдир у йигитни биз томонга юборган экан, агар уни кидириб топмасак, бу иш чала колиб кетади, чунки усталар хар канча харакат килмасинлар, юз кари хам казий олмайдилар. Шунинг учун хар томонга одамлар юбориб, уни албатта топишимиз зарур», -  деди. Мехинбону унинг безовталигини кўриб изтироб чекаётганини, калбидан Фарход мухаббати жой олганини пайкади-да, насихат килиш бефойда эканига ишонч хосил килиб, Фарходни излаб топишга буйрук берди. Юборилган одамлар йигитни топиб, у аввалгидек арик казиётгани хакидаги хабарни Мехинбону билан Ширинга етказишди. Ширин нихоятда шодланиб, кувончларга тўлди-да, Фарходни яна бир бор кўришга чора излай бошлади. Бир пана жойда туриб йигитга бокса, бу кўради-ю, у эса буни кўрмайди. Чунки Фарход уни кўриб колса, яна бетокатлик кила бошлайди-да, уларнинг сирлари кўпрок ошкор бўлади.
Мехинбону хам Фарходнинг олдига бориб, ахволини сўраш, дилидаги яширин гамлардан огох бўлишни истар, «Кани энди шундай йигит менинг фарзандим бўлса эди», -  деб орзу килар экан, йигитга бўлган мехри тобора ортиб борарди. Лекин Ширин айрилик дардидан азобланар, кечадан тонггача ухламай чикарди. Дардларини айтишга бирон хамдард тополмас, севгисини изхор килишга номуси йўл кўймас, олдига борай деса, Фарходнинг безовта бўлишидан чўчирди; бормай деса, жони фирок ўтида ковриларди.
Фарход тошларни ёриб арик казар экан, бу иш тугалланса, Ширин томошага келиши, унинг жамолини яна бир марта кўриб шодликдан жони чикса, жахонда армони колмаслигига умид киларди. Шу орзу билан тонгдан шомгача тош чопишдан чарчамасди.
У, мухандислар каби аввал аригнинг икки ёнини чизиб оларди. У четидан бу четигача уч кари бўлиб, чукурлиги икки кари эди. Хар бир чизиги минг каридан ортикрок эди. Минг кари арикни пардозлаб бўлгач, яна минг каридаги ишни бошларди. Хар минг кари казилганда чикитга чиккан тош парчаларини икки юзта тош кўчирувчи ташиб кетар, улар арик ичини тозалагунларига кадар тешасини яна кўлига олиб, сайкал берарди. Бирон ерда тош тугаб, тупрок чикиб колса, иш кўпайиб, уни тош билан коплагунча анча захмат чекарди. Арик ичини безаб турган тошлар бириктирилган жойлардан биронта хам ёрик топилмасди. Йўлида тоглар учраса, уларнинг тепасига чикиб олиб, тошларни парчалар, метинидан учган тош бўлаклари тўлин ойга кадар етиб борганида, у ўз шуъласи билан юзини тўсиб олар, майда тошларнинг ўзларига тегишидан хайиккан юлдузлар бошларини хар томонга олиб кочарди. Фарход шу тарзда шижоат кўрсатиб, бир тогни икки-уч кунда кўпориб ташлар, унинг ўрнини текислаб арикни давом эттирарди. Оз фурсат ўтиб аригнинг боши каср куриладиган жойга етди. У ерда Фарход тошларни кесиб тўрт томони олтмиш карига тенг бўлган ховуз курди.
Каср куриладиган майдонда катта бир тош бўлиб, айланаси беш юз кари келарди. Унинг чор атрофини йўниб, кейин ичини кавлай бошлади-да, баланд гумбазли, айвони сув томонга караган, уч томонида эса току айвони бўлган ажойиб касрни бунёд этди; деворларига тахтда ўтирган Шириннинг ва унинг хизматида бўлган париваш кизларнинг тасвирини чизди. Минглаб шу хил тимсоллар орасида Ширин рўпарасида бехол турган Фарход хам акс эттирилган эди. Каерда Ширин киёфаси гавдалантирилган бўлса, унга

махлиё бўлиб турган Фарход тимсоли хам тасвирланган эди.
Бу ишларнинг барчасида Шопур унга мададкор бўлди... Ховуздан ариглар тортилиб, улар каср атрофини айланиб окадиган килинди. Ариглар сарой рўпарасида шалолалар хосил килиб шахар томон йўл олар, хар бир шалоланинг баландлиги икки минг кари келарди. Шахар ахолиси бу сувлардан фойдаланиб, богу бўстонлар яратиши мўлжалланган эди.
Ана шу ишларнинг барчаси тугаллангач, Фарход сув бошига бориб арикка сув очиш тайёрлигини кўра бошлади. Бундан хабар топган мамлакату шахарга сув очилишини кўриш истаги тушиб, барча одамлар тог томон йўл олдилар.
Фарход эса: «Шунча халк ичида Ширин хам бормикан, томоша килишга ой юзли гўзалим хам келармикан, агар келса, шодликдан ўлиб колишим аник, келмаса унинг висолига зорлигим туфайли халок бўлишим хам мукаррар», - деб хаёл сурарди.
Одамлар унинг безовталигини кўриб, сабабини билишолмай гам чекардилар. Фарход икки кулогини йўлга тутиб Шириннинг келишини интизорлик билан кутар экан, халк унинг холини кўриб кўз ёшларини тўхтатолмасдилар. Фарход кайси томонга караб юрса, эл унга эргашиб борарди. Шу холда барчалари сув бошига етдилар. Шириннинг етиб келишини кутаётган Фарход бир оз дам олмокчи эканини айтди. Бу бир бахонагина бўлиб, аслида йигит кўзи тўрт бўлиб, хар тарафга бокиб ўз дилдорини изларди.
Фарходнинг сув очиш учун тог томон йўл олганини эшитган Ширин: «Тезда от келтиринглар!», - деб чопар йўллади. Ширин сўзларини эшитиб хурсанд бўлиб кетган малика Фарходга якинлашди-да: «Бир оз дамингни олиб тур, Ширин бу томонга келаётган экан», - деди. Фарход бу сўзларни эшитгач, калби шодликка тўлди.
Мехинбону шу ерда бир тахт куришни буюрди, унга гиламча хам солдирди, ўзи ўша ердан жой олиб, Фарходни хам ўтиришга таклиф этди. Тошкесар йигит Бону рўпарасига келиб ўлтирди. Малика унга Ширин хакида сўзлар айтиб, хурсанд килишга интиларди. Фарход уялганича ерга икки кўзини тикиб ўтирарди. Баъзан Мехинбонунинг саволларига одоб билан жавоб кайтарар экан, сўзлари унинг акли ва зийраклигидан далолат берарди, юзида эса фахму фаросати акс этиб турарди.
Бир пайт узокда тўтиёранг чанг кўтарилди. Кўрганлар бу гард гўзаллар султони Шириннинг от чоптириб келаётганидан дарак эканлигини айтишди. Одамларни сув бошидан, малика билан Фарход олдидан нари суришди. Фарход жисмига титрок тушиб, безовталана бошлади. Шунда Мехинбону унга якинрок келиб: «Эй фарзандим, ўзингни тутиб ол, кўнглинг билан кўзингни эхтиёт кил. Агар хозир хушингни йўкотсанг, бир неча йил килган мехнатинг зое кетади. Девоналик сени маглуб килса, пари пайкар хам эл ичида изза бўлади. Ўзингни асра, яна гойиб бўлиб колма. Ўзингни хам, мени хам, у хурни хам паришон айлама», - деб насихат килди. Фарход ўзини тутиб олгунича, унинг олдига Ширин етиб келди. У юзига никоб тутиб олган бўлса хам, бекиёс гўзаллиги шундоккина кўриниб турарди.
Шу пайт Мехинбону Фарходга караб: «Энди ишга кириш, аммо кўзингни Ширин томон бокишдан асра. Бу сўзларим сенга маъкул тушмаса хам, шундай килсанг яхширок бўлади», - деди. У малика олдида ер ўпиб, Шопур кўлини тутгач, ўрнидан турди. Метинни кўлига олди-да, сувни очишга тушди. Ширин унинг ёнига бориб, арик ичини томоша килар экан, кулимсираб хар лахза бошини тебратиб кўярди. Фарход бунёд этган хар кайси ишдан хайратланиб, тўхтовсиз офарин айтарди.

Фарход сувнинг эски йўлини тўсиб, янги арик томон окизди. Халойик ичига гавго тушиб, сув билан ёнма-ён югуришарди. Арикнинг икки томонида чолгучилар соз чалиб боришарди. Мехинбону билан Ширин каср олдига сувдан олдинрок етиб бориш учун от суриб кетишди. Лекин сув отлардан хам тезрок окиб борар, у билан бароварлашишга интилган канча-канча одамлар бир-бирларининг устларига йикилишарди. Халойик оркасидан бораётган Фарходнинг икки кўзи хури паризод - Ширинда эди. Гўзал киз тог ва чўлда ўн йигоч йўл босди, кейин яна етти-саккиз йигоч масофани от чоптириб ўтди. Бир махал унинг чарчаган оти юрмай тўхтаб колди. Ширин уни мажбур килса, оёклари чирмашиб, ўзи йикилиши мумкин эди. Шунда Фарход бу хавфни сезиб тезда етиб келди-да, энгашиб от остига кириб, бир кўли билан унинг олдинги икки оёгини, иккинчи кўли билан кейинги икки оёгини махкам тутганича, кўтариб олди-да икки-уч йигоч йўлни тезлик билан босиб ўтиб каср ва ховуз олдига етиб келиб отни ерга кўйди. Ширин отдан тушгач унга таъзим бажо килди-да, зор-зор йиглаганича оркасига кайтди. Тог устига чикиб олиб, бахор булутидек кўз ёшларини тўка бошлади. Бу пайт арикдан келган мўл-кўл сув ховузни лиммо-лим тўлдирди-да, касрни айланиб ўтиб шахар томон йўл олди. Арикка «Нахр ул-хаёт», яъни «Хаёт дарёси» деб, ховузга «Бахр ун-нажот», яъни «Нажот денгизи» деб исм бердилар.
Сув ховузда мавж ура бошлагач, одамлар анча вакт уни томоша килишди. Мехинбону билан Ширин бу огир ишнинг тугалланганидан шодликка тўлишди. Безатилган касрда шодиёналар давом этарди. Лекин Ширин Фарход хакида ўй суриб гам чекарди. Мехинбону жиянининг бу холатидан хабардор бўлган эса-да, бу ишга кандай чора топишни билмасди. Шириннинг дарду алами тобора кучайиб бораётганини сезган малика: «Бу шайдо йигит жуда кўп азоб чекди, унга хар канча бойлик хадя килсак хам оз. Лекин у бойликни хушламаяпти. Шунинг учун унга мурувват кўрсатиб, сўз билан кўнглига кувват берсак, уни мехмонга чакириб, шохона зиёфат уюштирсак, нимани тиласа, бажо келтирсак», - деди. Ширин бу сўзлардан хурсанд бўлиб, гулдек очилиб кетди. Мехинбону, зиёфат учун керакли хамма нарсани хозирлашни буюрди-да, икки-учта доно мулозимни Фарходни олиб келишга йўллади. У, Мехинбону таклифидан шодланиб, мулозимлар билан каср томон йўлга тушди. Фарход етиб келгач, малика унга чексиз хурмат кўрсатиб, курсига ўтказди, ёнидан Шопур жой олди.
Мехинбону Фарход билан Ширин сухбатлашиб ўтирар экан, дастурхон ёзилиб, шохона зиёфат бошланди. Сокийлар тўхтовсиз май тутишар, хофизлар тинмай куйлашарди. Зиёфатда иштирок этаётган ўнта гўзал кизнинг барчаси бирон сохада мохир эди:
Бири ашъор бахри ичра гаввос,
Бири адвор даври ичра раккос.
Бири мантик русумида ракамкаш,
Бири хайъат рукумига каламкаш.
Бирининг шеваси илми хакойик,
Балогатда бири айтиб дакойик.
Бири тарихда сўз айлаб фасона,
Бири хикмат фани ичра ягона.
Хисоб ичра бирининг зехни бориб,
Муаммода15 бириси от чикориб.

Бу фанларда булар бир-бирдин ахсан,
Юз ул фанлик аро хар кайси якфан.
Дилорому Дилорою Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансо.
Паричехру Паризоду Париваш,
Парипайкар, зихи ўн исми дилкаш.

Мехинбону уларнинг хар бирига саволлар берар экан, кизлар ўзлари биладиган фанлар хакида сўзлаб берардилар. Уларнинг хикматларини эшитиб турган Фарход ўзи унутган билимларини ёдига келтирди. У кетма-кет ичилаётган май таъсирида журъатланиб, ўнта кизга турли илмлар бўйича саволлар бера бошлаган эди, кизлар жавоб айтишга кийналиб колишди. Шунда бу саволларга Фарходнинг ўзи жавоб айтиб, хаммани лол колдирди.

Мехинбону унинг билимдонлигини кўриб, тахтидан тушди, Фарходдан тахтга чикиб ўтиришини илтимос килди. Фарход рози бўлмагач, малика тахт олдига кўрпача солишни буюрди-да, унга Фарходни ўтказиб, ёнидан ўзи жой эгаллади. Бу пайтда парданинг оркасида ўтирган Ширин барча вокеаларни кузатиб турарди. Кўзидан тинмай ёш окар, баъзан хушидан кетиб коларди. Буларни бошка одамлар кўрмасди. Лекин Мехинбону жиянининг холатидан хабардор эди. Кўнглида: «Ширин мухаббат ўтида куйиб, адо бўлиб боряпти. Агар бу йўлда у халок бўлса, мен гунохкор бўламан», -  деб ўйлади-да: «Ширинга айтинглар, у мезбонлик айлаб, мехмонни хурсанд килсин», -  деб буюрди. Ширин парда оркасидан аста чикиб келар экан, худди куёш балкигандек каср ёришиб кетди. Фарходнинг кўзи унга тушгач, кучли бир ох тортди-да, бехуш бўлиб, йикилишига оз колди. Мехинбону Ширинга ўз ёнидан жой кўрсатди. Сокийлар уларга май тутишар экан, Ширин хам ичиб, Фарход каби сархуш бўлди, юзидаги парда хам тушиб кетди. У, Фарходга килган ишлари учун миннатдорчилик билдирди-да, май олиб келиш учун ўрнидан турди. Халиги ўнта гўзал киз жавохирлар солинган лаганларни кўлларида тутиб унинг ёнида юришарди. Ширин бу жавохирларни хар томонга сочиб борарди. Кейин у Фарход олдига келиб ўтирди-да, кўлига кадах тутиб: «Мен буни сенинг ишкингда ичаман», -  деди-да, симирди, кейин идишни тўлдириб йигитга тутди ва «Сен хам менинг ишкимда бу кадахни кўтаргил», -  деди.

Фарход уни кўлига олиб, шундай сипкордики, пиёла накшларидан нишона хам колмади. Кадахни кайтариб берган Фарход ўз севгилиси томонига сажда килгандек йикилди. Ширин унинг бошини кўтармокчи бўлган эди, ўзи хам йикилди. Иккаласининг огзига ойна тутишганда, нафасдан дарак йўк эди.

Фарход билан Шириннинг бу холатини кўрган одамлар оху нола тортишиб, икковини икки томонга олиб кетишди. Иккита хонада жой тайёрлаб, уларни ёткизиб кўйишди. Тонг отгунча икковлари бехуш ётдилар. Сахарда тонг шамоли эсгач, улар ўзларига келишди. Хижолатдан бошини куйи солган Фарход яна тог сари йўл олди.

Мехинбону зиёфатда рўй берган ходисалардан ташвишга тушди. Ширин ахволидан хавфсираётган малика уни овутиш учун кандай чора кўришни билмасди. Ўйлаб-ўйлаб бир неча кунда Фарходни касрга чакиртириб, унинг Ширин билан учрашувини ташкил килишни маъкул кўрди. Бундай пайтларда Фарход ўз севгилиси кўлидан май ичар экан, иккови хам бехуш бўлиб йикилишар, ўзларига келгач, йигит яна тог сари йўл оларди, Ширин эса калбида дарду гам билан изтироб чекиб коларди. Бу хил учрашувлар бир неча бор такрорланди.

Шундай кунларнинг бирида уларнинг бошига бир ташвиш тушди. Ўша айёмда Араб ва

Ажам мулкининг Хисрав деган хукмдори бўлиб, Мадойин шахри унинг пойтахти эди. Унинг хотини хам, ўгли хам бор эди-ю, Хисрав бу фарзандини тахтга муносиб кўрмасди. У ўз тахтини яхши бир фарзандга топширишни истаб, бу максадга етишиш учун ўзига муносиб кизни кидиришга тушган эди. Ўз мамлакатида канча кидиртирса хам, кўнглига ёкадиган бирон гўзал топилмади. Бу пайтда Шириннинг овозаси, унинг хусни, одоби хакидаги гаплар Хисравга хам етиб борган эди. Бу сохибжамол кизга тош кесувчи бир йигит шайдо бўлиб, унинг ишки йўлида ажойиб ишлар килганидан хам у хабардор эди. Шириннинг ишки Хисравни хам маст килди-ю, Арман мамлакатига одамлар юбориб, бу киз хакида бор хакикатни билиб келишни топширди. Бу одамлар кайтиб келишгач, Шириннинг тенгсиз чиройи-ю хулку одоби хакида шохга гапириб беришди. Буларни эшитган Хисрав тезлик билан Армания сари йўл олишга ахд килди. Лекин мамлакатни колдириб кетишдан хавотирланиб, Бузург Уммид деган доно вазири билан маслахатлашди. Вазир унга боришдан аввал Мехинбонуга хат йўллашни, бу хатга жавоб келгач, килинадиган ишлар хакида ўйлашиб кўришни маслахат берди. Бузург Уммиднинг бу сўзларини маъкул кўрган Хисрав донишманд бир кишини топиб, хатни унинг кўлига топширди-да, Мехинбону хузурига юборди.
Хисрав йўллаган элчи Арман мулкига етиб боргач, Мехинбонуга Кисро мамлакатидан вакил келганини хабар килишди. Унинг сифатларини эшитган малика мехмонхонага туширишни буюрди, кейин ўзининг бир канча доно мулозимларини чакириб, уларга элчининг кандай максад билан келганлигини аниклаш вазифасини юклади. Мехинбону юборган аъёнлар элчининг максадини билиб, маликага хабар килдилар. Шунда Мехинбону: «Эртага уни хузуримга олиб келинглар, у билан сухбатлашай, муддаоси маълум бўлди, энди мен жавобимни айтишим зарур», -  деди. Мехинбону ўйлаб ўйига етолмасди. Хисрав таклифига рози бўлай деса, ёдига Фарход тушиб, кўнгли гамга тўлар, рад жавобини берай деса, бунга сабаб тополмас, Ширинни зўрлаб Хисравга узатса, у рози бўлармиди, розилик берганида хам, бунинг натижаси нима билан тугаркин?», -  деб фикр килди-да, охири бор гапни жиянига айтиб берди. Ширин ўзини ерга ташлаб фарёд кўтарди:
Бошимга тийги гам сурсанг не бўлгай,
Бу сўз дегунча ўлтурсанг не бўлгай.
...Манга Фарход ишки тухмати бас,
Ки чехрам кўрмайин ул зору бекас,
...Тог ичра сел янглиг окизиб ёш,
Уруб тош узра хар дам селдек бош.
...Юзумдин дийдаи гирёни махрум,
Висолимдан балокаш жони махрум.
...Манга на ёру на ошик хавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.
Агар Бону иложи бўлса килсун,
Ўзимни ўлтурурмен йўкса билсун.
Бу сўзларни эшитган Мехинбонунинг кўзлари ёшга тўлди, кандай чора кўришни ўйлаб кўйиди-да: «Гам ема, кўнглингни хуш тут. Мен элчига узр айтиб жўнатиб юбораман», деди.
Малика ваъдасига мувофик элчини кабул килди, ундан йўл кийинчиликларини сўради, Хисравга дуолар айтди, кейин унинг шарафига базм уюштирди, кетишида кўпдан-кўп совгалар берди-да «Шохга менинг дуоларимни еткизгил», -  деб тайинлади. Элчи ўзи

турган жой томон йўлга тушгач, Мехинбону бош вазирни чакирди-да: «Элчининг олдига бориб айтингки, у Хисравга менинг мана бу сўзларимни етказсин: «Сенинг тилакларинг биз учун шарафлидир. Лекин бизнинг бир узримиз бор: сен тилаган ой юзли гўзалнинг бир айби бўлиб, у хам бўлса турмушга чикишни истамаслигидир. У, йигитларга ўхшаб от чоптириб юришни, ов килишни ёктиради. Сенинг уйланмокчи эканлигингни айта олувчи киши бу мамлакатда топилмайди, чунки бу сўзни эшитса, у ўз жонидан хам кечиши мумкин. Бундай сабаб бўлмаганида, у шу кунгача турмушга чикмай юрармиди? Ана шу айбимиздан шохни огох килдик. Энди нимага хукм килиш шохнинг ўзига хавола», деди. Мехинбонунинг бу сўзларини эшитган бош вазир хамма гапни элчига айтди. Элчи нима дейишни билмай, ўз ватанига жўнаб кетди-да, Хисрав олдига бориб малика сўзларини унга етказди.
Мехинбону жавобини тинглаган Хисрав унинг узрига ишонмай даргазаб бўлди. Кейин бошка бир ўжаррок элчини Арманияга йўллаган эди, у хам шу жавобни келтирди. Шу тарзда шох яна бир неча элчини Мехинбону олдига жўнатган бўлса хам, хеч кайсиси яхши хабар билан кайтмади. Газабга тўлиб тошган Хисрав бу гапларнинг барчаси бахона эканини таъкидлаб:
Агар умр ўлса ул айёраларга,
Демай айёраким маккораларга
Ситамдин еткурай андок сазое,
Солай кишварлари ичра балое.
Ки кайда бор эса бир хийла пайванд,
Киёматга декин бўлгай анга панд
- деб хитоб килди-да, аскарларни тўплаб Арман диёрига караб йўлга тушди.
Хисрав Арманга йўл олар экан, лашкарининг сон-саноги йўк эди. Уларнинг отлари туёгидан кўтарилаётган чанг-тўзон осмон юзини тўсиб кўйган эди. Бир неча кун йўлда юрилгач, Хисрав кўшини Арманияга етиб келди. Бу хабарни дархол Мехинбонуга етказдилар. Малика бу сўзни хотиржамлик билан тинглади. Хисравнинг бу ўлкага хужум килиши эхтимоллигини олдиндан кўра олган малика шахарни химоя килиш чораларини кўришга улгурганди. Калъанинг баланд деворлари мустахкамланган бўлиб, хар кайси кунгира ёнида бахромсифат бир жангчи турарди. Анча вактга етадиган озик-овкат, кийим-кечак хозирлаб кўйилган эди. Мехинбону билан Ширин Фарходни вокеадан хабардор килиб, ундан кўргонга киришини илтимос килишди. Фарход уларнинг сўзларини ерда колдирмай кўргонга кирди-ю, калъа ташкарисидаги бир катта тош устида жойлашиб, жанг бўладиган бўлса, Хисрав аскарлари бошига тош ёгдиришга тайёр бўлиб турарди.
Хисрав ўз кўшини билан келиб кўргондан ярим мил нарида жойлашди. Арман диёрини томоша килиш учун атрофига минг отликни олиб йўлга отланди. У шахар деворларига назар ташлаб борар экан, тош устида турган Фарходга кўзи тушди-ю, кўксига ханжар урилгандек бўлди. Саркардаларга караб: «Бу одамни кўриб кўнглим хафа бўлди. Суриштириб билинглар-чи, иши дилларни хазин килиш бўлган бу инсон ким экан?» - деб буюрди. Бир саркарда отини у томон суриб, Хисрав номидан Фарходнинг исмини сўради. Фарход ичига ишк ўти тушгач отидан хам махрум бўлгани, асли исми эса Фарход эканини айтди. Бу сўзни эшитган Хисравнинг хушини йўкотишига оз колди. Чунки у бу номни кўп эшитган эди. Шунинг учун: «У менинг ракибим, бинобарин мен ундан кутулишим керак», - деб ўйлади-да, беш-ўн жангчини юбориб, уни ўз олдига олиб келишга буюрди. Фарход ўзи турган манзилга якинлашаётган душман аскарларини кўриб, уларга караб хитоб

килди:
«Эй бахтиёр шох! Агар Хисрав эсанг хам, Хисрав бўлмасанг хам бу сўзларимни эшитиб ол. Мени ўз олдингга олиб боришларини истаб, ўн-ўн беш пахлавонингни жўнатдинг. Максадинг мени ўлдирмок бўлса, бундан менга зиён хам, сенга фойда хам йўк. Шу одамларнинг кони сенинг бўйнингга тушади, чунки сен ўз сипохларингни ўз кўлинг билан ўлдирдинг. Сўзларимга ишонмасанг, Яратганнинг кудратини томоша кил: бош кийиминг чўккисини учириб юборадиган мана бу тошни менинг саломим деб кабул килгин».
Фарход шох турган томонга караб яна бир тошни отди-да: «Бу эса байрогинг учидаги шаклни учиргусидур», - деб хитоб килди. У отган икки тош шохнинг дубулгаси учини ва байроги учидаги шаклни учириб юборди. Шундан сўнг Фарход сўзини яна давом эттирди: «Эй шох ёки саркарда, ишк ахлининг махоратини сен хам, сипохларинг хам кўрди. Энди уларни оркага кайтар, бўлмаса бари ўлиб кетади. Мен эс-хушини йўкотган мажнун коядан тош олиб сен томон отсам, бошингни учириб юборишим аник. Бошингдан кечганимни ганимат билиб, йўлингга кайт. Мен, ишкдан алам тортаётган одам сенга нима килсам хам узрли бўламан. Агар Арман тогида туриб касос олишга отлансам, унинг хар бир тоши бир бошга айланади...
Сен халк мулкини талаб, тахту тожини тортиб олиш учун бу томон келибсан. Мамлакатини барбод килиб, нозанин кўнглини хафа килдинг. Эшитишимча ишкдан лоф хам ураётган эмишсан. Дарди ишк расми шундай бўладими? Вафо-ю мехр шарти шундай бўладими? Бировнинг ишкида зор бўлишми бу? Унинг гамида бекарор бўлишми бу?!»
Бу сўзларни эшитган Хисрав кўнглига изтироб тушиб, нима деб жавоб килишни билмай колди. Аскарлари олдида хам, калъадан караб турган одамлар олдида хам хижолат бўлганича, сайридан кўзлаган максадига эришолмай, кўшини турган манзилга кайтди.
Хисрав диккат бўлиб ўз кароргохига кайтгач, Бузург Уммидни хузурига чакириб, ундан маслахат сўради. Вазир унинг кўнглини хурсанд килиб шундай деди: «Эс-хушидан жудо бўлган бу йигитнинг сўзларидан ташвиш чекишнинг кераги йўк. Бир одамимиз Бону саройига бориб, бу сўзларни айтиб берса, балки ўйланиб колиб, ниятларимиз амалга ошиши хам ажаб эмас. Бу кўргон нихоятда мустахкам бўлиб, озик-овкат хам мўл-кўл тўпланган кўринади. Уни босиб олиш кийин бўлса хам, ўйлаб иш килсак, муддаомизга эришамиз. Ахир афсунгарлар росту ёлгон сўзларни айтиб, афсун билан илонни инидан чикаради-ку!»
Бузург Уммиднинг бу сўзларини маъкул кўрган Хисрав бир сўзга чечан одамни топиб Мехинбону саройига жўнатди. У киши кўргон ичига кириб, саройга борди-да, маликага шундай сўзларни айтди: «Шохимиз бу ерга фарзанд бўлиш ниятида келганларини айтиб юбордилар. Сизлар ул гўзалнинг турмуш куришдан бош тортаётганини таъкидлаяпсизлар, лекин бир телба, сўзларидан аклга захмат етадиган йигит ўзини ошик деб билиб, у кизни махбуба хисоблар экан, бундан барча эл хабардор эмиш. Шунда хам париваш унинг олдига бориб, мехрибонлик кўрсатиб турар экан. Кўриниб турибдики, у турмуш куришни истамаяпти, деган сўзларингиз ёлгон, бу хил бахонани биз кечирдик! Чунки хар бир одам хато килиши мумкин. Лекин биз юртингизга мехмон бўлиб келган эдик, сиз мезбонликни адо килиб, ўртамиздаги хафагарчиликларни бартараф этсак, айни муддао бўлур эди».
Мехмон сўзини тугатгач, Мехинбону шундай жавоб килди: «Хисрав Фарходни кўринишидан одамзодга ўхшамайди, дебди. Шуни билингларки, биздек одамлар унинг мактовини юз йил давомида айтсак хам, фазилатларининг мингдан бирини хам таърифлай олмаймиз. Шохингиз уни гадо дебди, у шахзода, шарафда ундану биздан

зиёда. Дунёда у билмаган илм йўк. У Ширинга шайдо бўлса хам, уни икки ё уч мартагина кўрган холос. Хар сафар кўрганида хушидан кетиб йикилади, ўзига келгач, дашту тоглар сари йўл олади. Шириннинг максади хам у йигитни кўриб туришдир. Шохинг Фарходнинг жамолини жирканч дебди, бориб кўр, Хисрав рост ёки ёлгон гапирганини ўз кўзинг билан кўрасан. Унинг юзи гулзоридан гуллар теришинг аник». Бу сўзларни эшитган вакил Хисрав олдига бориб, барчасини гапириб берди. Даргазаб бўлган Хисрав ўз кўшинларига шахарни босиб олиш хакида буйрук берди. Сипохлар кўргонни камаб, унга хужумни бошлашди. Шахар ахолиси кўргонни химоя килишга киришди. Сипохлар кундузи-ю кечаси хушёрлик билан жангга хозир туришар, тунлари машъалалар билан калъани ёритишарди.

Фарход турган томонга душман кўшинлари якин келолмас, минг кари ердан буёгига ўтолмас, пахлавон йигит отаётган тошлар тегиб халок бўлишдан кўркишарди. Пашшага хам озор етказишни истамайдиган Фарход ўз жонини асраш учун ёв аскарларини кўркитарди, чунки бу жонда севимли ёр вафоси бўлгани учун уни душманга фидо килишни истамас эди. Хисрав эса кандай килиб бўлмасин уни йўк килиш чорасини изларди. Ундан кутулса, калъани кўлга киритиш осон бўлишини биларди. Бузург Уммид билан маслахатлашиб, маккор афсунгарни топишди-да, «Агар сен девона йигитни йўкотиш чорасини топа олсанг, хисобсиз олтинга эга бўласан», дейишди. Афсунгар: «Уни макр билан шундай алдайки, хушидан жудо бўлиб, ўликдек йикилсин. Лекин уни бу ерга кандай олиб келиш чорасини топа олмаяпман», -  деди. Хисрав: «Сен уни бехуш килсанг, юзта совут кийган сипох яширинган жойидан чикиб, уни бу томон олиб келишади», - деди. Хисравнинг бу сўзларини эшитган у маккор ўзини эс-хушини йўкотган одам киёфасига киритиб, яшнаб турган хушбўй гуллардан узиб олди-да, унинг барглари орасига бехуш киладиган дори сепиб, Фарход манзили томон йўл олди. Девоналардек кадам ташлаб, ошиклардек фарёд килиб келаётган бу одамнинг овозини эшитган Фарход унинг ёйдек эгилган коматини кўриб хушидан айрилишига оз колди. Кўнглини изтироб ўртаб унга: «Эй дард билан ўртанган ошик, бу ерларда нима килиб юрибсан, кайси паривашни кўриб, бундай девона бўлдинг? Мен фалакдан зулм кўрган эдим, сен нега фигон чекяпсан?» деди. Хийлагар унинг ишонганини кўриб, «Эй ишк элининг подшохи, мен фалон жойданман, бир гўзалнинг ишки мени девона килган эди. Севгилимни гох йирокдан, гохида ошкора кўриб турардим. Хисрав кўшини шахарни камал килгач, мен калъадан ташкарида колиб кетдим. Шахарга кирмокчи бўлиб дарвозага якинлашсам, бошимга ўк билан тош ёгдиришмокда. Бу хил кийинчиликлардан ўлар холатга етдим. Бир дардкашим хам йўк эди, сени эшитиб, ахволимни сўзлаб бериш учун кошингга келдим», -  деди. Унинг сўзларини эшитган Фарход ох тортиб кўзларидан селдек ёш тўкди-да, тани заифлашиб йикилди. Хийлагар унинг холини кўриб, дори сепилган гулни димогига тутди. Кейин кичкириб, ишорат билан сипохларни чакирди.

Бу пайтда бир тош устида ётган Шопур ёмон туш кўриб, сесканиб уйгонгач, Фарход томонига караб, дўстининг бехуш ётганини, шайтонга ўхшаган бир кимса сипохларни чакираётганини, улар хар тарафдан Фарходга якинлашаётганларини кўрди ва иш кўлдан кетганини сезиб, Фарходнинг холига кўз ёш тўка бошлади. Тепаликда турган Шопур пастда халиги хийлагарни кўриб колиб, коядан бир тошни кўчириб олди-да, у билан маккорнинг бошига уриб ўлдирди. Сипохлар Фарходни кўтарганларича, Хисрав кароргохи томон йўл олишди. Бу ходисадан хабар топган кўргон ахли гам-аламга мубтало бўлдилар, аммо Ширин эшитса, шубхасиз ўзини ўлдиради, деган хаёл билан унга билдиришмади.

Сипохлар Фарходни кўтариб, Хисрав даргохига олиб келишгач, шох ўзида йўк хурсанд бўлиб, ракибининг кўл-оёкларини занжирбанд килишга буюрди. Сўнг табибни чакириб Фарходни хушига келтиришни топширди. Хушига келган Фарход ўзининг жиннилар каби кишанбанд килинганини кўрди. Шохона ясатилган хонадаги тахт устида бир шох ўтирар, бошидаги тож яркираб турарди. Атрофда сипохлар тизилишган, шох унга таажжуб билан бокарди. Фарход ўрнидан туриб, шу ерда хозир бўлган кишиларга караб бошини эгди-да, ерга ўтириб кўзларини куйи солди. Хисрав унинг жамоли-ю одобини кўриб жазолашни хам унутди-да, унга караб сўз очди; Фарход унинг саволларига жавоб кайтара бошлади:
Деди: Кайдин сен, эй мажнуни гумрох?
Деди: Мажнун ватандин кайда огох?
Деди: Недур санга оламда пеша?
Деди: Ишк ичра мажнунлик хамеша.
Дедиким: Ишк ўтидин де фасона!
Деди: Куймай киши топмас нишона.
Деди: Кай чогдин ўлдунг ишк аро маст?
Деди: Рух эрмас эрди танга пайваст.
Деди: Бу ишкдин инкор килгил,
Деди: Бу сўздин истигфор килгил!
Бу сўзларни эшитган Хисрав унинг ошиклигини синамокчи бўлиб янги-янги саволларни берар экан, Фарход муносиб жавоб билан шохни хайратга соларди.
Деди: Ишк ахлининг недур хаёти?
Деди: Васл ичра жонон илтифоти
Дедиким: Дилбарингнинг де сифотин,
Деди: Тил гайратидин тутмон отин.
Дедиким: Ишкига кўнглунг ўрундур?
Деди: Кўнглумда жондек ёшурундур.
Деди: Кўнглунг фидо килса жафоси?
Деди: Жонимни хам айлай фидоси.
Деди: Бу ишк тарки яхширокдур?
Деди: Бу шева ошикдин йирокдир.
Фарходнинг бераётган жавоблари Хисравни лол колдирар экан, ракибининг донолигини кўриб токат килолмаган шох дўк-пўписа килишга ўтди:
Деди: Ол ганжу кўй мехрин нихони!
Деди: Туфрокка бермон кимиёни.
Дедиким: Шохга бўлма ширкатандеш
Деди: Ишк ичра тенгдур шоху дарвеш.
Деди: Ишк ичра катлинг хукм этгум!
Деди: Ишкида максудимга етгум.
Фарход шохнинг хар кандай кийин саволларига осонгина жавоб кайтарар экан, Хисравнинг ичига ўт тушгандек бўлиб: «Мендек шохга бошдан оёгигача занжирбанд бўлиб турган бу девона нимани сўрасам дагаллик билан жавоб киляпти. Унга шундай бир жазо берайки, султонлар олдида бундай сўзлашга журъат килолмайдиган бўлсин!», - деди-да, калъа олдида бир дор тикишга, кадоглик кўлларини махкам боглаб дорга осишга, кейин одамларга буюриб, унга ўк ёгдиришга, халкка ибрат бўлсин учун ўлиги бир неча кун давомида осиглик туришига, сўнг эса жасадини ўт билан куйдиришга ва кулини

кўкка совуришга буюрди. Унинг бу сўзларидан хурсанд бўлиб кетган Фарход кулимсираб шундай жавоб килди: «Эй даргазаб шох! Душманимдан ўч олаяпман, деб ўйламай кўя кол. Сен буюрган бу жазолар менинг тилагим эди. Ёрим ишкида ўлишни истардим, бугун Тангри шу орзумга етказди. Сен газаблanganинг сари мен шодланяпман. Ўлимга буюрганингдан хурсандман, чунки жоним азоблардан кутулади. Мени ўкка тутиш хакидаги фармонинг хам менинг асл муддаом эди, чунки бу жазо мени хижрон аламларидан озод килади. Мени куйдириб, кулимни кўкка совуришга амр килдинг. Сен фирок ўтида куйиб кул бўлмагансан. Мен эсам хажр дўзахидан халос бўламан, лекин шуниси кизикки, шох ишк ўтида куйиб, изтироб чекиб юрган бир бечоранинг мухаббати хакидаги гапларни халкдан эшитиб, унга ракиб бўлмокчи. Ёрни кўрмай туриб ўзига содик ошик номини бериб, дахшатли кўшин тўплаб келиб, унинг мулкини талон-тарож килиб, канча одамни ўлдирган бу хукмдор ўз ракиби билан юзма-юз жанг килишга журъат килолмасдан хийла билан занжирбанд этиб, даргазаб бўлган холда уни саволга тутиб, ошикнинг берган жавобларига чидамай, жазолашга буйрук беряпти. Шуми адолат, шуми шижоат! Агар хушёрлигимда Хисрав менга рўпара келса эди, сипохлари хозиргисидан юз марта кўп бўлса хам мен йигитликни уларга кўрсатиб, барчасининг умр ипини узган бўлардим. Шунда газабкор шох ичидаги ўтлар сўниб, шижоат илмини ўрганган бўларди. Шох мен томон сипохлар йўллаганида мен уларнинг конидан кечдим, Хисрав бошини хам омон колдирдим. Энди у менинг бошимга касд киляпти. Лекин Хитой сари эсган шамол ахволимдан хоконга хабар етказса, ўглининг азоблаб ўлдирилгани, ўтда куйдирилганидан огох бўлса, кўшин билан келиб, Мадойин шахрида тирик одамни колдирмай, унинг тупрогини Хитой мамлакатига ташитиши ва Хисрав мулкидан асар хам колдирмаслиги мукаррар. Унда мен бегунох бўлиб, Хисрав гунохкор бўлиши ва барча вайроналикларнинг сабабчиси сифатида жазоланиши шубхасиздир. Мен хар канча азоб чексам хам бу сўзларни айтмаган бўлардим. Лекин Хисрав Парвезнинг нодонлиги ана шундай вайронагарчиликларга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб гапиряпман. Одамлар бу сўзларим учун мени кўркоклик киляпти, деб ўйламасинлар. Сўзимни киска килдим, бу жахондан ёрим ёди билан кетаяпман», - деди-да, кўргон томонга бокиб ер ўпди ва у ерда турган одамлар жонига ўт солди. Кейин Хисравнинг сипохларига караб: «Ана энди осасизми, чопасизми, билганингизни килаверинг», - деб хитоб килди.

Шундан кейин Фарходни дор остига караб судрадилар. У ерда ўт ва ўтин тайёрлаб кўйилган эди. Бу хабарни эшитган кўргон ахли фарёд чекишар, лекин бўлаётган вокеаларни Мехинбону билан Шириндан сир тутишарди. Фарходнинг дор остида бўйнига аркон солинган холда туришини кўрган кўргон ахлининг диллари вайрон бўлиб, ўлар холатга етишган эдилар.

Душман томонида эса Хисравнинг сипохлари йигитнинг донолиги, ўлим олдида бепарво туришини кўриб, унинг бегунох эканлиги, жазога лойик эмаслигини билиб йиглаб туришарди. Хисрав ўз ишидан афсусланаётган бўлса хам, ўз буйругини бекор килишга номуси йўл бермасди. Барча вокеаларни кузатиб турган Бузург Уммид шохни хилват бир жойга чакириб: «Уни ўлдиришимизга асос йўк. Эс-хушидан айрилган одамни зиндонда ушлаш тўгрирок бўлади. Фарходнинг гунохи озрокка ўхшайди, девонага ўхшаб кўринса хам, сўзлари хакикатга якинрок. Яхшиси баланд тоглар орасидан бир жой топиб ўша ерга камасак, икки-уч ой зиндонда ётса, икки-уч юз сипох уни назорат килиб турса маъкул бўлади. Рост сўзлай бошласа, тирик юрса хам унинг зиёни тегмайди. Ёлгон сўзлаётганини сезсак, истаган ишимизни кила олишимиз мумкин», - деди. Бу сўзлар Хисравга хам маъкул тушди. Тоглар ичида Салосил деган мустахкам бир кўргонни

топишиб, Фарходни ўша калъа томон жўнатишди-да, беш юз сипохга уни кўз корасидай саклашни буюришди.
Кўрикчилар Фарходни Салосил кўргонига олиб бориб, зиндонга камашди. Уни каттик назорат остида саклашар, хатто кочиб кетмаслиги учун йўлига олмос аралаш кум тўшаб кўйишганди. Хисрав Фарходни кочириб юборганларни калласини чопиб ташлаш ёки кўргон тепасидан улоктириб юборишга буйрук берган эди. Кўрикчилар бундан кўркиб доим хушёр туришарди. Лекин йигит чекаётган оху фарёдларни эшитаркан, унга мафтун бўлиб колгандилар.
Сукрот ўргатган исмлар ичида бир исм бўлиб, уни ўкилса, кишанлар каерга борса хам халал беролмай коларди, йўлида хар кандай мустахкам дарвоза учраса хам очилмай колмасди. Шу исмни тилга олган Фарходнинг бандлари ечилиб, дарвозалар очилиб, хар кечаси калъа ва унинг атрофида, тогу даштларни айланиб келарди. Сокчилар уйгонмай туриб ўз жойига кайтган Фарход кишанларни яна такиб оларди. Чунки бу сирлар ошкор бўлса, сокчилар Хисрав томонидан турли жазоларга гирифтор этилишидан кўркарди у.
Лекин сипохлар бу сирдан аллакачон огох бўлишганди. Фарходнинг сайрдан кайтгач ўзини яна бандга солаётганидан хабар топган сокчилар бундай ишни килмай, бемалол сайр этишига рухсат беришди. Севгилисидан айрилиб изтироб чекаётган Фарход тогу даштларни кезар экан, йирткич ва хонаки хайвонлар унинг атрофини ўраб олишар, кушлар бошига соя солишаркан, барча хайвонлару кушлар билан сўзлашиб дардини баён этарди. Улар хам ошик йигит ахволини кўриб фарёд чекишарди.
Тонг аста-секин ёришиб бораркан, Фарход субхга мурожаат килиб: «Сен хам менга ўхшайсан, юзингда кўз ёшларинг намоён, ичинг хам менга ўхшаб ўртанади.
Чу сохиб дардсен дардимга рахм эт,
Тараххум айлабон фарёдима ет.
Сахарким гулшан ичра гул очилгай,
Гул узра турраи сунбул сочилгай.
Чу гул термакка ул сарви гуландом
Кўяр гулшанда гулрухлар била гом
Совуг охимни билгуртуб дамингдин,
Кўзум ёшини англат шабнамингдин» - деди. Куёш кўтарилиб келаркан, унинг ўзига ўхшаши, юзларининг ўзидек саргайгани, ўзидек девона бўлиб тогларда кезаётгани хакида сўзлаб илтижо киларди:
Тушуб икбол янглиг равзанидин.
Тарийки мехрибонлигни фан айла,
Кошида куймакимни равшан айла.
Кун ёйилиб кетгач, тогу даштда кезиб, хижрон аламига чидай олмай гам-андух чекар, девоналардек кўз ёшини тўкаркан, фигонидан тогларни хам безовта киларди.
Фарход айрилик ўтида изтироб чекиб, олам кўзларига коронги кўринар, кундузлари беором бўлиб тогу даштларда кезиб фарёд чекарди. Шом бошлангач, сабру токати колмай, осмонга бокканича: «Эй золим фалак! Жафо-ю зулминг шунчалик хам бехисоб бўладими? Хижрон аламида кийнаганингдан кўра ўлдириб кўя колсанг бўлмайдими? Менинг бошимга кора кунларни солиб, ўлимга хам зор килдинг. Ёки неча минг йил сайр килиб энди чарчаб колдингми? Ё менинг бахтимга ўхшаб уйкудамисан? У ой юзли гўзал хижронидаги холимга рахминг келсин», - деб нола киларди. Гом - кадам Кўкда ой пайдо бўлгач, Фарход унга таъзим килиб, ерни ўпиб:
Деди: «Эй тийра шомим равшан этган,

Ўлар холатда фарёдимга етган,
Не бўлгай рахм этиб жонимни олсанг,
Ул ойнинг кўйи туфрогига солсанг.
Бўлурдектур адам сори хиромим,
Агар еткурсанг охир дам саломим»
- деб ёлборарди. Осмонда бирин-кетин Аторуд, Зухра, Муштарий каби сайёралар пайдо бўлар экан, уларнинг хар бирига бокиб юрак дардларини изхор этар, мадад сўраб илтижо киларди. Иши котибликдан иборат бўлган Аторудга бокиб: «Эй дўстлар ахволини фалак варакларига битувчи, менинг кўзларим ёшини сиёх килиб, огир ахволимни хатда бирма-бир баён этгин-да, куёшимдан нур касб этишинг чогида уни кўрар экансан, ўша мактубимни олдига кўйгин», - деб илтимос килган бўлса, Зухрога назар ташлар экан: «Эй шодлик куйчиси, сенинг овозингу жонбахш куйларинг оламга машхур. Бир замон созандалик торини узгин-да, менинг ўлимим хакида мотам куйини чалиб, ой юзли гўзалим базмида иштирок этадиган бўлсанг, менинг халокатим хакидаги бу марсияни хам кўшиб куйлагин», - деди. Кейин олтинчи осмонда турган Муштарийга, саодат юлдузига термулиб нола килди:
«Ки эй буржи шараф маснаднишини
Саодат тахту тожининг амини
Дуое килки, Хак берсун муродим,
Бу мехнат шомидин бўлсун кушодим.
Бошимдин хажр шоми дуди кетсун,
Кўзумга васл субхи нури етсун».
Юлдузлар чараклай бошлагач, Фарход уларга кўзларини тикиб: «Сизлар менинг кўз ёшларимдан нишонасизлар. Ашким дурлари каби йўлга тушинг. Хазин кўнглим юз минг пора бўлди, хар бир пораси гам-алам гулининг баргидан бир белгидир. Хар бирингиз уларни йигиб олингиз-да, ёрим кўчасига етказинг», - деб мурожаат килди. Фарход сахаргача шу тарзда дарду гам чекиб, фигон килишлардан куввати кетди-да, хушини йўкотиб, ўликдек ерга чўзилди. Унинг бу холатига осмон кўк кийиб, фалак юлдузлар дуридан кўз ёш тўкар, аста кўтарилиб келаётган куёш хам бу ошик йигит дардига малхам бўлишга ожиз эди.
Фарход кишанлардан кутулиб истаган томонга бориш имкониятига эга бўлса хам, ногахон Хисрав эшитиб сокчиларни жазоламасин, деган фикр билан ўз манзилидан кўп узок кетмасди. Лекин бу ишларнинг бари шох кулогига бориб етганди. Даргазаб бўлган Хисрав сокчиларни каттик жазолади. Кейин Фарходнинг ўша ерда эканлиги, ўз манзилидан йирокка кетмаётганини билди-да: «Ўзимни билмасликка олиб, бу вокеаларни эшитмагандек юришим маъкулга ўхшайди», - деган карорга келди. Фарходни кишанда кўргач эса янада хурсанд бўлди.
Шох маккорлик билан Фарходни кўлга олган пайтда Шопур шахарга кирган эди. У ўз дўстининг ахволини ўйлаб нола-ю фарёд килар, кўкрагига тош уриб изтироб чекарди. Фарходнинг хийла билан бехуш холда банди килингани, шох саволларига ошик йигитнинг кандай жавоблар кайтаргани, Хисрав гунохсиз ракибини катл килмокчи бўлгани, бунга парво килмаган Фарходнинг аслида Хито-ю Чин элига хон экани халк орасида кенг таркалиб кетган эди. Шахар ахолиси Хисравдан газабланиб, Фархадга мафтун бўлганди. Бу вокеалар хакида, ошик йигитнинг донолиги-ю жасорати тўгрисида шоирлар кўплаб газаллар ёзишар, хонандалар ашулалар куйлашарди.
Бўлиб ўтган барча ходисалар Мехинбонуга хам эшитилган бўлиб, кандай чора топишни

билмай йиглагани йиглаган эди, бу сўзлардан Ширин хабар топса шубхасиз ўзини ўлдиради, деб ташвиш чекарди. Лекин Ширин ўз ёрининг душман кўлига тушганини сезган бўлиб, гох ўзида, гох бехуш эди. Парда оркасида ўтириб чексиз азоб чекар, айриликдан нихоятда гамгин эди.
Бир куни у тоза хаводан бахра олиш учун каср томига чикди. Атрофга бокиб, богдаги гулларни томоша килиб турар экан, кулогига хазин бир ашула эшитилди. Дардли кўшик сўзларига диккат килар экан, хар бир байт Фарход хакида, Хисравнинг йигит бошига солган бехад зулми тўгрисида эканини англади-да, багрига ўткир бир ханжар кадалгандек бўлиб кучли бир ох тортди-ю, бошини ерга уриб, конга бўялди, гулгун ёкасини чок килиб, сочларини ёйиб, фарёд чекиб хушини йўкотиб ерга йикилди. Унинг бошига етиб келган Мехинбону тинмай йиглаб турар экан, Шопур хам келиб, малика олдида ер ўпди ва шундай деди: «Маликам, ёвуз Хисрав бечора Фарходни хийла билан банд этганида, уни бехуш айлаган маккорни тош билан уриб ўлдирдиму, кейин дўстим олдига боришни хам, сизнинг хузурингизга келишни хам билолмай, йиглаб, изтироб чекиб юрдим, бир вайронада бехуш йикилганча анча кун ётдим. Ўзимга келгач, кўргондан ташкари чикиб, Хисрав лашкари орасида бекиниб юриб, уларнинг сўзларига кулок тутдим. Улар Фарход хакида факат яхши сўзларни айтишарди. Шуни хам эшитдимки, Фарход ўзи зиндонбанд этилган кадимги бир кўргонда сог-омон экан. Хисравнинг сокчиларга: «Агар бу махбус ўзи турган еридан узок кетса, хаммангни ўлдираман», - деган пўписасини эшитган Фарход сокчиларга озор етмасин деб, ўша тогдан узокка кетолмай юрар экан. Бу сўзлардан хабар топгач, унинг томонига бормай, сизлар томон йўл олдим. Чунки эл орасидаги гаплардан сизларнинг ахволингизни билар эдим. Шунинг учун икковингизни хурсанд килишга шошилдим. Сизларни кўриб, кейин дўстим ёнига бормокчиман. Ё сўзларимни тўхтатиб, хозирок у томонга жўнайми?»
Бу сўзларни эшитган Мехинбону: «Сен айтган сўзлар жарохатли кўнглимга малхам бўлди. Сени тополмай жуда ношод эдик. Фарходнинг сог-омонлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. У ётган кўргон томон борадиган бўлсанг, бизнинг айтмокчи бўлган сўзларимиз кўп, Аллохга шукрлар бўлсинки, сени кўриб Фарходни кўргандек бўлдик», - деди-да, Ширин ахволи, хозиргина бехуш бўлиб йикилганини айтиб берди. Шириннинг димогига турли хушбўй исли тутаткиларни тутиб хушига келтиришди. Кўзини очиб Шопурни кўрган Ширин яна ўз Фарходини ёдга олиб фарёд килди:
Ки «Эй Шопур, кайдин бўйла еттинг,
Келибсан фард , хамрохингни неттинг?
Хамул ким мехр кўсин урмиш эрдим,
Борур чогда сенга топшурмиш эрдим.
Рафику ёрлиг мундок бўлурму,
Амонатдорлик мундок бўлурму?
Манга ўз гойибимдан бир нишон айт,
Десангким, хажрдан ўлмай, равон айт».
Шундан кейин Шопур Мехинбонуга айтганларини бирма-бир такрорлади-да: «Фарходнинг олдига кетяпман, бундан сизни хабардор килай, агар мактуб ёзиб берса, уни дўстимга етказай, деган максад билан бу ерга келган эдим», - деб кўшиб кўйди. Ширин дархол ўрнидан туриб холи бир жойда ўз севгилисига хат ёзишга киришди. Шопур у мактубни олиб, Фарходни излаб топиш учун жўнади. Одамлардан эшитган яширин йўллардан юриб сахар пайтида дўсти кошига етиб борди. У бехуш холда ётар, атрофини бир тўда вахший хайвонлару кушлар ўраб олганди. Буни кўрган Шопур дўстининг бошини

куйнига олиб, фарёд чекди. Унинг кўз ёшлари Фарходнинг юзларига гулобдек ёгилгач, кўзини очиб ўзига келди. Иккала дўст бир-бирларини кучоклаб роса йиглашди. Бу холатни кузатиб турган тогу водий хам кўз ёшларини тўка бошлади. Кейин Шопур куйнидан мактубни чикариб, дўстининг кўлига тутди. Уни очган Фарход мадори кетиб Ширин мактубини ўкий бошлади. Ширин мактубида унинг Фарходга бўлган эхтирос ли мухаббати, чексиз садокати, чекаётган аламу изтироблари, орзу-ю тилаклари оташин мисраларга жо килинган эди.
Недур ахволинг, эй зори гарибим,
Висолим давлатидин бенасибим?
Чекардин гам тогин холинг нечукдур,
Бу юкдин жисми чун нолинг нечукдур?
Катиг гурбат аро холинг не эркин,
Ачик фуркатда ахволинг не эркин?
Фирок ичра нечукдур жисми зоринг,
Не янглиг тўлгонур ўт ичра торинг?
каби вафо тўла сўзлар билан бошланганди у. «Яшаётган жойинг тогми ё сахромикан, тўшагинг тошданмикан? Юрган йўлларингда кийиклару кулонлар хамрохлик килармикан? Йирткич хайвонлар хизматкорларингу кушлар каноти сенинг соябонинг эмиш. Сен Сулаймон пайгамбар обрўсини топибсан, мен эса Билкисдек ёринг бўлолмасам хам, канизинг бўлмокка тайёрман. Билкис - Сулаймон пайгамбарнинг севимли рафикаси Не бўлгай эрди чархи зулмпеша,
Мени сендин жудо килмай хамеша,
Хироминг чоги йўлдош бўлсам эрди.
Сукунунг вакти кўлдош бўлсам эрди.
Куёш янглиг бўлуб кундуз карининг ,
Бўлуб тун соя янглиг хамнишининг,
Тикан кирса кафинга кийнасидин ,
Чикарсам эрди кирпик игнасидин,
Кўруб хору хас ўрнингда нихони,
Сочим бирла супурсам эрди они».
- деб илтижо киларди вафодор Ширин.
«Золим фалак бизни бир-биримиздан айирди, кўксимизни хар канча пора килсак хам, бирон чора топишнинг иложи йўк. Сен балолар кишанига мубтало бўлиб, чексиз азоб чекяпсан, лекин кўлингда каттик тошларнинг мўм каби эригани жахон ахлига маълум. Мендан айрилганингга алам тортаётган бўлсанг хам, сен эркаксан ва пахлавонсан, хижрон кийнаганда, ох чекиб, кўнглингни бўшатишинг мумкин. Жисмингни машаккат ўти кийнаса, кўз ёшларингни тўкиб таскин топа оласан. Лекин мен зору заифа киз айрилик тигидан жоним юз пора бўлиб, хажр ўтидан кўнглум ўртаниб, жисмим кулга айланаётган бўлса хам, бу дардларимни айтишга бирон дўст тополмаяпман. Душман менинг мамлакатимни босиб олиб, лашкарларимни кириб ташлаяпти. Арман диёрининг шохи хам, факири хам душманлар асирига айланди. Буларга менинг ишким сабаб бўлгани аник. Шунинг учун халкнинг каргишига колдим. Эл олдида хам, Мехинбону олдида хам уятлиман. Лекин бу азобларим яна юз марта кўпрок бўлса хам, баъзи-баъзида сени кўриб турсам, бунчалик гам чекмасдим.
Мактубни ўкиб чиккан Фарход гох ўзини унутиб фигон чекар, туриб олиб уёкдан буёкка сабрсизлик билан юриб, гохида хушидан кетиб коларди. Охири у Ширин мактубига жавоб

ёзишга ахд килди, лекин когоз, калами йўк эди. Шопур буни олдиндан ўйлаб когоз, сиёх ва каламни ўзи билан олиб келган эди. Фарход ўзини кўлга олиб хатни ёзиб тугатди-да, дўстига топширди. Шопур шахар томон йўл олгач, Фарход яна дард ўти ичида колди.
Шопур кўргонга етиб борди ва мактубни Ширинга топширди. У эса хатни ўкишга киришди. Бу оддий мактуб эмас, балки гам достони эди. Фарход ўз мактубини Аллох мадхи билан бошлаган бўлиб, юрак сўзларини телбалик холатида ёзаётганини таъкидлаганидан сўнг Ширинга:
Нигоро, махвашо, иффат панохо,
Жахон махвашларига подшохо!
Санга хаддим йўк, ўлмок нукта пардоз,
Тилармен итларингга айтмок роз.
Недур кўюнг аро итларга холат,
Фарогат бирладурлар ё малохат.
Кеча ул кўй аро килгонда фарёд,
Килурларми бу итган итни хам ёд сўзлари билан мурожаат килиб: «Ўша итлар йигилган чогларда мени йўклашармикан, сув ичганларида, менинг кўз ёшларимни эслашармикан, ўша остонага бош кўйганларида, менга хам жой колдиришармикан, менга казодан етган азобларни билиб, холимга аза тутиб тунлари улушармикан, бўйинларини боглашганда, менинг бўйнимда юзта кишан борлигини билишармикан? Уларнинг ичида менга ўхшаган бехол, кўтир бир ит хам бор бўлиб, мен каби жони ўртанса хам, сенинг юзингни кўришга кўзлари тўрт бўлиб турарди. У билан мен сенга вафодорликда тортишардик. Ўша ит менга доим мехрибонлик кўрсатар, кўзим конини кўрганида, унинг хам кони окар, бир дўст каби мен билан якин эди. Унинг ахволи кандайкин, остонангда панох топганда, мени кўз олдига келтирармикан?
Мактубингда хар бири дурдонага тенг яхши сўзларни ёзибсан, уларнинг хар бирига жоним садка бўлсин. «Менинг хам гаму дардим кўп», деган гапингни ўкиб, жоним куйиб кетгандек бўлди. Менга ўхшаган юз минглаб ошик ўлганида хам, муборак хотирингга гам етмасин. «Сен нотавон бўлсанг хам, пахлавонсан, тог бўлса хам тешанг олдида паст, шер бўлса хам панжангдан халок бўлади», - дебсан. Ундай зўр шавкату кувватим колмаган. Хозир чумолидек ожизман. Ишк хатто аждахони хам чумолидек килиб кўяр экан. «Тахту тожим, мамлакату лашкарим душман кўлига тушди, Мехинбону билан мен кўргонда камалиб, азоб чекмокдамиз», - деб ёзибсан. Бу гапларингнинг барчаси рост. Лекин бошга келган казога рози бўлишдан бошка чора йўк. Мамлакатинг, сипохларинг, халкинг бошига тушган балолардан хабардорман. «Бу азобларга сен сазовор эдингу, фалак уларга зулм килди», - десанг, бу ожиз жонимни фидо килишга тайёрман.
Менинг хам эркин диёрим, иктидорли халким бор эди. Отам неча-неча иклимга хокон эди. Бошимда тож, оёгим остида тахт бор эди. Хитой билан Чиндаги ўн икки минг шахар хукмим остида бўлиб, шунга яраша сипохлару бойликларга эгалик килардим. Бошимга ишк можароси тушиб, диёримдан айрилиб бу ерларда девона бўлиб юрибман. Отам билан онам, неча минг шахар халки менинг ахволимдан изтироб чекмокда. Бу ишлар учун кимга таъна килай? Такдирга тан беришдан ўзга кандай чора бор? Бу номани хушимдан озган холда ёздим. Шунинг учун нима ёзганимни хам билолмадим. Мен девона ўзимдан огох эмасман: хато сўзлар деган бўлсам, кечиргин, чунки мажнунларнинг хатосини хамма хам кечиради».
Ширин ушбу мактубни изтироб чекиб ўкир экан, калби тирналар, Фарходининг тирик эканидан шодланиб ерга бош кўяр, чекаётган азобларини англаб, нола килиб, кўз

ёшларини тўкарди. Хат мазмунини Мехинбонуга сўзлаб берганида, малика хам гамга тўлди. Кейин Шопурга ўз эхтиромларини билдириб, иззат-икром кўрсатишди. Ундан Фарходнинг ахволини бирма-бир сўрар эканлар, кўз ёшларини тўхтатиша олишмасди. Шопур икки севишган калб сохибларининг мактубларини бир-бирларига етказиб юрар экан, Хисрав бундан хабардор бўлиб колди. Фарход билан Шириннинг ўзаро келишиб, бирон ёкка кочиб кетишлари мумкинлигини, уларни кидириб топишганда хам бу пахлавон йигитни кўлга олиш осон бўлмаслигини ўйлаган шох ўзига отилган тошни эслади. Фарходнинг хар бир кадамини кузатиб юриш фойдасизлигига кўзи етган Хисрав шахардан Салосил кўргонига кадар бўлган яширин йўлларга жосусларни кўйиб, хар бир йўловчини текшириб, кимдан бир мактуб топилса, тезлик билан ўз хузурига олиб келишни буюрди. Икки-уч кун ўтиб, Шириннинг мактубини олиб келаётган Шопурни кўлга олиб Хисрав даргохига келтирдилар. Хатни ўкиган шох мухаббат достони билан танишгандек бўлиб, бошидан кора тутун чикиб кетаётгандек бўлди. Хар бир сўз вафо нишони бўлиб, чексиз мехру мухаббат, ахду паймонлар ифодасидан дарак берарди. Мактубда Хисрав номи хам тилга олинган бўлиб, унинг Арман мулкини вайрон килгани, халкка кўпдан-кўп жафолар юзлангани айтилиб, уни гох золим, гох кон тўкувчи - хунрез каби номлар билан аталганди. Шунингдек, унинг ошиклик даъвосини килиб, лоф ураётгани хакида ёзаркан, Ширин:
Чу ул максуд билмиш ишкдин ком,
Менинг васлим хаёлидур анга хом.
Эрур бу ишда саъю эхтимоми,
Тамоми харзау зоеъ тамоми.
Менинг жисмимда то жондин рамакдур,
Ишим кўргонда ўзни асрамакдур.
Казо килса мени онинг асири,
Ўлумдин чун кишининг йўк гузири.
Танимни айлабон ханжар била чок,
Ани килмай висолимдин тарабнок.
Бу сўзлардан хабардор бўлган Хисравнинг жонига ўт тушиб, титрай бошлади. Шириннинг барча ёзганлари тўгрилигига тан берса хам, салтанат обрўси, ўзининг хавойи нафсини устун кўйган шох Шопурни занжирбанд килишга ва зиндонга ташлашга буюрди-да, хузурига Бузург Уммидни чакириб, бор гапни унга сўзлаб берди ва: «Бу ишлардан гам-алам чекиб, кўнглим конга тўлди. Бирон чора топиб дардимни аритмасанг, халок бўлишим мукаррар. Бу холда эл менинг устимдан кула бошлайди, уларни жазоласам хам, аламимдан кутулолмайман. Фарходнинг бегунохлигини хам биламан, шунинг учун хам уни ўлдиришни тўгри деб ўйламайман. Менга бу ишда бир йўлни кўрсатмасанг бўлмайди», деб илтижо килди. Икковлари бу хусусда фикрлашиб, баъзида тортишиб охири шундай карорга келишди: одам ўлдиришни ўзи учун савоб деб биладиган бир котилни топишади-да, унга Фарходнинг олдига бориб: «Хисрав Арман шахрини босиб олди, максадлари рўёбга чикиб, хозир Ширин билан давр суришяпти. Мехинбону жиянини шохга никох
лаб берди. Севганинг сендан Хисравни афзал кўрган экан, энди ошиклигингдан нима фойда? Яхшиси уни тарк этиб, ўз юртингга кетганинг афзал», - деб айтишни буюришади. Бу сўзларни эшитгач, бошини олиб бир томонга йўл олса, ташвишлардан кутуламиз. Ширин билан Мехинбону Фарходнинг кетганини билишса, ундан умидлари узилиб, айтганимизга кўнишлари аник. Агар Ширин ёридан кўнглини узолмаса, яна бошка

бир тадбирни ўйлаб топармиз». Ушбу чорани ўйлаб топишгач, бир хийлакор кампирни топиб келишди. У, кадди икки букилган бир маккора бўлиб, кўп хийлакорлик килганидан юзини ажин босган, умрида бирон марта хам рост гапирмаган, афсуну хийла билан тошни хам юмшатиб мўмга айлантирадиган, отага кизини, ўгилга онасини никохлай оладиган, бир сўз билан хонадонларни вайрон киладиган, истаса, юзта Букротни гум килишга кодир, зулм тигини уриб, Фарходга ўхшаган пахлавонларнинг хам бошига ета оладиган берахм бир бадбахт эди. Унга бор гапни яширинча баён килдилар, хадсиз-хисобсиз мукофот
ни ваъда килиб, Фарход томон жўнатдилар. «Фарход бўладими, пўлат тог бўладими, бир афсун билан йўк киламан», - деб Хисравни ишонтирган бу маккора бир неча кун мобайнида дашту водийлардан ўтиб Фарходнинг манзилгохи бўлган тог олдига етиб борди. Уни кўрган Фарход дарров ўрнидан туриб салом берди-да, бу томонларга келишидан максади нима эканини сўради. Кампир: «Мен элу юртимдан воз кечган заиф, хаста жон бир одамман. Ўн-ўн беш йилдан бери бир хилват жойда яшаб, тоат-ибодат билан машгул эдим. Жахондаги бирон киши билан ишим йўк, тангридан ўзга бир кишим хам йўк эди. Арман мулкида тинчлик-омонлик бўлганидек, менинг холим хам хотиржам эди. Парвез отлик бир шох келиб, элнинг тинчлигини бузди, сен бу хакда эшитган бўлсанг керак. Элнинг ахволи хам, менинг хаётим хам ўзгариб кетди. У ерда тоат-ибодат килиш кийин бўлиб колди. Шунда кечиктирмай элдан йирокрок бир ерда яшай, умрим хам оз колди, ўлсам ўша макондаги гор менга гўр бўлади, деб ўйлаб бу томонга йўл олдим. Тогда кезиб юриб, шу манзилни ёктириб колдим. Ўзим тог ичида тирик бўлсам хам, умрдан кўлимни ювиб кўйганман. Одамзод - вафосиз, уни эслашдан фойда йўк», деди. Бу сўзларни эшитган Фарход хурсанд бўлиб, унинг олдидаги тупрокни, кейин оёгини ўпди-да, «Вафосизлик жахон ахлининг одати. Бирон иш сени хафа килган кўринади. Арман диёридаги ахвол туфайли кўнглунг губор топдими?», - деб сўради. Маккора: «Эй ўглим, гапларинг рост, бу мамлакатдан омонлик кетиб, ўрнини ёмонлик эгаллаган. Мехинбону билан Хисрав ярашиб, ўзаро якин бўлиб олишди. Хисрав никох ишини орага солган эди, малика хам рози бўла колди. Катта тўй бўлиб, мамлакату тахт май сели остида колди. Солих одамлар шахарни тарк этиб, хар ёкда зору саргардон бўлиб юришибди, Ширин эса жуда гамгин бўлиб, фарёд чекиб ўзини ўлдирди. Баъзилар захар ичгандир, дейишяпти. Унинг Фарход деган бир дардманд севгилиси бор экан. Ўша йигитдан айрилганига чидай олмай, унинг ишки билан бу оламдан кўз юмибди. Ўлим олдида хам Фарход номи унинг тилида экан», - деди. У ушбу сўзларни айтар экан, огзидан «ох», «во дариг» деган иборалар тўхтамай чикарди.
Бу афсонани эшитган Фарходнинг кўксига юз минг тиг урилгандек бўлди. Кампир найранг ишлатиб, ох-фарёд килар экан,
Гиреве тортибон Фарходи мазлум ,
Деди: «Бас килки, бўлди кисса маълум.
Гараз гар жон эди, олдинг, ано, хой,
Ўлук тандин не истарсен яно, хой.
Кўнгул конин ичардин тўйгил эмди,
Мени ўз мехнатимга кўйгил эмди».
- деб ўрнидан турди-да, жахондан кўл силтаб, кўз ёшидан селлар окизиб, тог ичига югуриб кетди.
Маккора кампирнинг хийлакорлик билан айтилган сўзларини эшитиб, багри пора бўлган Фарход тог ичида фарёд чекиб борар экан, холсизланиб йикилди, туришга неча бор

харакат килди-ю, хар сафар йикилаверди. Сўнг каттик тош устида талпинишга тушиб, бошини тошларга ура бошлади. Ажал кўксини пора килган бу бечора йигитнинг ахволини кўриб турган води-ю тоглар зор йиглашарди. Жисмидаги яралар кип-кизил гулларни эслатар, атрофидаги гуллар эса ўтларга ўхшарди.
Фарход осмонга бокаркан: «Эй заррин чарх, бошимни янч, у энди менга кераксиз; эй гам тиги, тилимни кес, энди сўзлашни истамайман. Эй гам-алам тоши, оёгимни синдир, ажал, кўксимни илма-тешик килиб ташла, эй ох, ёрим сари йўлга тушгин-да, менинг жонимни хам ўзингга хамрох кил!», - деб ёлборди.
Кейин сахрога бокиб: «Сен менинг оёгим зарбидан ранж чекдинг, ёшим сели билан багрингни ёрдим, югуриб гардингни чикардим. Энди мен берган азоблардан кутулдинг, берган аламларим учун мени кечиргин», - дея илтижо килди. Токка караб васият килар экан: «Сенга мендан анча озор етди, юзунгдан уятликман. Тешам ва метиним билан багрингу жисмингни ёрдим, юзинг баъзан кўз ёшимдан кизариб, баъзан охимдан бошинг устида тутунлар пайдо бўлди. Барча айбларимни авф этиб, кетар чогимда мени кечиргин», деб фигон чекди.
Фарходнинг кўзи метинга тушгач, у ўзининг дил изхорларини баён килиб: «Мендан сенга кўп сарзанишлар етган бўлса, сендан мен кўп парваришлар топдим. Сенинг бошингни куч билан тошларга урардим. Сен билан теша икковингиз мендан кўп аламлар чекдингиз. Бугун менинг азобларимдан озод бўласиз. Менинг бор килмишларимни кечиринглар», - деди. Кейин ўз атрофида ёввойи хайвонлару паррандаларни кўргач, Фарход уларга караб: «Сизнинг барчангиз менинг хамдамим, сухбатдошларим эдингиз, кеча-ю кундуз мен билан улфатчилик килдингиз. Кайси томон йўл олсам, менга хамрохлик килдингиз, бошимга соя солиб, мехрингизни багишладингиз. Фигон чеккан дамларимда менга хамдард бўлиб, биронтангиз хам маломат изхорини килмадингиз. Барчангизнинг олдингизда хижолатдаман, ўз узримни кай тил билан баён этишни билолмасман», - деб нола килди. Хайвонлару паррандалар ўз овозларини баланд кўтаришиб, мотам тутаётганларини баён килишарди.
Фарход умри тугаб бораётганини сезгач, отаси билан онасини кўз олдига келтириб, конли кўз ёшларини тўка бошлади-да, сабога хитоб килиб: «Чину Хито мамлакатига етиб боргин-да, ерини ўпгач, хокон кошига йўл олиб бундай дегин:
Ким ул овораи бехонумонинг ,
Багир хунобидин бир катра конинг,
Итиб, оламда хирмон бирла ўлди,
Юзунгни кўрмай армон бирла ўлди.
Будур комимки, Бахроми диловар ,
Ки бор эрди манга ул ёру ёвар,
Чериклар жамъ айлаб бемадоро,
Буён килса азимат ошкоро;
Киличи тўйгариб Хисравни жондин,
Тиласа бегунох конимни ондин
Сўнг онамнинг олдига бор. Менинг ўлимимни эшитиб, оху фарёд урса, юзларини тирнаб, сочларини юлса, менинг шу сўзларимни етказ: «Сен бир яхши фарзандга орзуманд эдинг, лекин мени кўргач бир лахза хам хурсандлик кўрмадинг. Катта бўлгач, ўз диёримдан узокларга кетиб овора-ю сарсон бўлганимда, айриликдан бехад ўртандинг. Агар сен дардим туфайли гамзада бўлсанг, изтиробу алам чеккумдур. Мени розилигингдан ноумид килиб, жонимга дўзах ўтини раво кўрмагин».

Мулкоро кошига бориб, менинг бошимга тушган барча офату балолар такдирдан эканини укдир. Бахромга аввало саломимни етказиб, сўнг ушбу сўзларимни айт:
Ки эй жоним топиб жонингга пайванд,
Кўкалтошу ини, шогирду фарзанд,
Гар истарсенки теккай ерга ёним,
Бўлуб хушнуд сендин хаста жоним.
Бу ён азм айламак жазм айла филхол,
Черик жамъ айлабон азм айла филхол.
Бу ишдин рохати жонимни иста,
Топибон котилим, конимни иста.
Анинг бирла келур хайлимга бир-бир,
Хадисим дафъа-дафъа айла такрир».
Сабога мурожаат этаётган Фарход Хўтан мулкида ўз иштирокида курилган тўрт каср томон йўл олишни, жаннатмакон бу манзилларни томоша килиб, хар бирига ўз саломини етказишни, Монийни кўриб, касрлар деворига солинган Юнонистондаги кахрамонликларини акс эттирувчи суратларнинг барчасини ювиб, ўчириб ташлашни илтимос килишини сўради. Сўнгра Коранни учратгач, тошлар устига ишланган ўзи тасвирланган накшлар ва ёзилган исмларини метин билан кириб ташлашни илтимос килишини тайинлади.
Дўсти Шопурга сўнгги, видолашув сўзларини етказишни сўраркан, унинг ўзига хамиша садокатли хамдам бўлганини айтиб,
Хамиша вокиф ўл кабрим тошидин,
Аёгинг чекма туфрогим бошидин
- деган васиятини етказишини илтижо килди. Фарход ўз дилидаги барча сўзларни айтиб бўлгач, жони огзига келиб, калима келтирди-да:
Килиб жонони отин тилга таълим,
Тутуб жонон отин жон этти таслим.
Бу холатни кўрган оламга гавго тушиб, ишк ўз бўйнига кора кигиз ташлаб мотам тутар, дарду бало ўз ёрларини йўкотишганидан ўртанишар, йирткич хайвонлар маккора кампирни пора-пора килиб, тишу чангаллари билан йиртиб ташлашди, шугина эмас, ўз танларини хам тишлаб фигон чекишарди. Уларнинг бу хил мотами вафосиз одамзоддан вафодор хайвонлар яхширок эканини тасдиклаб турарди.
Фарход вафот этгач, атрофини ўраб олган вахший хайвонлару кушларнинг кўпи алам чекиб ўзларини ўлдиришди, яна кўплари бу дарду гамдан касал бўлиб колишди. Омон колганлари унинг азасини тутиб фигон килишарди. Барчалари унинг атрофидан нари кетмас, шу туфайли одамларнинг якин келишларига имкон йўк эди.
Фарход ўлмасидан бироз илгари ўша ерларда яшайдиган бир киши уни кўриш, хизматини килиб кўнглини олиш максадида шу маконга кадам кўйганди. Фарходнинг ахволини, унинг теграсидаги хайвонларнинг изтиробини кўргач, узокдан туриб бўлиб ўтган вокеани кузатди-да, аввалига йигитни кабрга кўйиб, ўша ерда мужовир-мозорга караб турувчи бўлиб колишни ўйлади, лекин шеру йўлбарслар чангалидан кўркиб, бу ходисани тезлик билан шахарга етказишга карор килди-да, кўргон сари йўл олди.
Мудхиш хабарни эшитган шахар халки зор-зор йиглар экан, Хисрав хам, Ширин хам эшитишди. Шох ўз ракибидан кутулгани учун шод бўлса хам, такдирнинг ундан ўч олишини ўйлаб гам чекарди. Кейин «Бўлар иш бўлди, энди сусткашлик килиш ярамайди», - деган карорга келиб, Мехинбону кошига совчиларини жўнатди. Улар маликага

Хисравни кўкларга кўтариб мактадилар ва никохга розилик беришини сўрадилар. Мехинбону саройидаги аъёнлар хам Фарход вафотидан сўнг душманликни давом эттиришдан кўра, унинг айтганларига кўниш маъкуллигини таъкидлашди. Мазлум Фарход ўлимидан хабар топиб, унга оналардек аза очган малика Мехинбону Ширин ахволини ўйларди. Жиянининг неча бор захар ичмокчи бўлгани, унинг атрофидаги одамлар билиб колиб, бунга имкон беришмагани, ўзини куйдирмокчи бўлганида хам, одамлар бунга йўл кўйишмагани, малика кўйган мулозимлару канизаклар доим хушёр туриб Ширин хаётини асраётганлари унга аён эди.
Бу пайт кўргондаги бор озик-овкат тугаб, халк Мехинбонудан норози бўла бошлаган, мамлакатнинг улуг кишилари маликага элнинг силласи куриб, токати ток бўлаётганини, хатто шахар дарвозаларини душман кўшинларига очиб беришга хам тайёр эканини айтишган эди. Бу гаплардан сўнг Мехинбону Ширин олдига келди-да, унга халк ичидаги можароларни сўзлаб берди.
Деди Ширинки: «Эй кути хаётим,
Дегумдур, гарчи монеъдур уётим.
Манга жуфт ул, улуснинг фарди эрди,
Не кўнглум кути, онинг дарди эрди.
Чу кечти жуфтдин ул токи офок,
Нечук мен жуфт кўзлай, ул бориб ток?
Вафо ахли иши мундок бўлурму,
Вафо айлар киши мундок бўлурму?
Менга чун йўк тирикликнинг фалохи,
Сиз айланг улча бўлгай эл салохи.
Шириннинг рухсатини олган малика Хисрав элчиларига никох учун розилигини айтди, лекин камал пайтидаги кийинчиликлар, хозирги иссик кунлар туфайли Шириннинг соглиги яхши эмаслигини, шунинг учун бирон хушхаво жойда дам олиб, ўзига келиши лозимлигини хам таъкидлади. Шундан кейин дарвозалар очилиб, Хисрав кўшини шахар ичига кирди. Камал пайтида кийналиб кетган ахоли кафасдан кутулган кушлардек шодланишди.
Хисрав буйруги билан гўзал бир кошона барпо этилиб, у ерда шох билан малика сухбат куришди. Ширин ахволидан сўз очилгач, Хисрав «Бу ўлканинг бохаво ва гўзал жойларини сизлар яхши биласизлар, бирон макбул манзилни танланглар. Ширин ўша ерда ором олиб, соглигини тузатсин», - деган таклифни билдирган эди, Мехинбону Арман диёрининг шимол томонида бир тог бўлиб, Ширин истагига кўра каср ва бог курилганини эслатди-да, шох фармон берса, Ширин ўша ерда дам олиб, согайиши макбуллигини изхор килди. Буни эшитган Хисравнинг кўнгли ношод бўлди, чунки ушбу касру бог Фарходнинг мехнати билан бунёд этилганидан у хабардор эди. Шунинг учун хам Мехинбону таклифига зўрга рози бўлди. Маликанинг буйруги билан Ширинни ўша ажойиб каср томон олиб кетдилар.
Ширин ўз калъасидан чикиб тогдаги каср сари йўл олар экан, Хисрав сипохларининг барчаси уни томоша килишга чиккандилар. Уларнинг орасида шахзода хам бўлиб, отасини унча ёктирмас, Хисрав ўз ўглининг кўнглига карамаганидек, ўгилга хам шохнинг феъли атвори маъкул эмасди. Бошкалар катори у хам Ширин бораётган гулгун кажавага махлиё бўлиб бокар экан, бирдан бошланган шамол пардани кўтариб юборди-ю, париваш кизнинг оламни ўртовчи хусну жамолини кўрган Шеруянинг ичига ишк олови тушди-да, оромидан айрилиб уйкусини йўкотди, изтироби кун сари кучайиб ўзи ўлар холатга етди.

Кандай тадбир билан Ширин висолига етишиши мумкинлигини ўйлаган шахзода отасини ўлдириш билан бу орзусига эришишга бел боглади. Шундай хаёллар билан ўзига якин кишиларга яширинча ваъдалар бериб, Хисравнинг кариндошу амалдорларини хам ўзига каратиб олди. Хисравнинг хаддан ошган зулмидан безор бўлган сарой ахли Шеруяга касамёд килишиб, Хисравни зиндонга ташладилар. Кўп ўтмай Шеруянинг буйругига кўра золим шох катл этилди. Тахтга чикиб бошига тож кийган Шеруя бўлиб ўтган бу вокеани Мехинбонуга сўзлаб бериб, Ширинга ўзи уйланмокчи эканини изхор килди. Малика унинг соглиги ёмонлигини айтиб, согайганида ўзи билганича иш килиши мумкинлигини таъкидлади. Жохил Шеруя Ширинга мактуб йўллади. Унда шундай деб ёзилган эди:
«Ки бир кўрмак била хуснунгни, эй хур,
Ул ўтдин кўнглум андок бўлди махрур.
Менга андокки ул ўт солди партав,
Не Фарход ул сифат куйди, не Хисрав.
Далил истар эсанг, даъво сурубмен,
Ки ишкингда отамни ўлтурубмен.
Вафо килмок била комим раво кил,
Висолинг ваъдаси айлаб вафо кил.
Ибо килмоклигинг хам гар билурмен,
Якин бил, не кила олсам килурмен!»
Шеруянинг бу дагал сўзларидан гамга тўлган Ширин: «Уни кўришдан менга ўлим яхширокдир», - деб фикр килар экан, шох сўзларини ўзига етказган сарой аъёнига: «Сўзларингнинг барчаси маъкул. Шохга менинг дуом билан илтимосимни етказгин. Дуодан сўнг мана бу сўзларимни унга баён кил. «Казодан келган хар бир ишга рози бўлмай иложимиз йўк. Хисравни ўлдириш казо хукми бўлса, сен нима хам кила олардинг. Тангри берган акл билан иш тутганда, сенинг сўзларингга эътироз билдириш хато бўлур эди.
Сен мени севиб колганинг каби менга хам Фарходнинг ишки тушганди. Отангнинг адолатсизлиги билан вафот этган Фарход барча ишк ахлининг йўлбошчиси эди. У менинг ишкимда жонини курбон килди. Ундан айрилиб, ўзимни чала сўйилган кушдек хис киляпман. Менинг бедорлигим унинг гамидандир. Ишкимда ўшандек олам ягонаси кўз юмди. Унга аза тутмасам, кўнглим хотиржам бўла оладими? Шунинг учун шох рухсат бериб, Шопурни озод этилса, унга бир гурух одамларни кўшиб жўнатиб, Фарход жасадини шахарга олиб келишса, мен кора кийиб, аза тутсам-да, жонимдаги ишк балосидан кутулсам, жисмимни унинг азобларидан, кўнглимни фирокидан холи айлаганимдан сўнг сўзини бажаришга тайёрман. Агар шох бу ишга рози бўлмаса, менинг ўлигимнигина топади», - деди. Бу сўзларни эшитган Шеруя шоду хуррам бўлиб, дархол Шопурни озод килишга буюрди ва: «Шириннинг кўнгли нимани истаса, шуни бажарсин», - деб фармойиш берди. Ширин хузурига келган Шопур ерга бош уриб, кўзидан конли ёшларини тинмай тўка
р экан, уни кўрган паризод Фарходни ёдига олиб девоналардек фарёд кўтарди.
Шу тарзда бир замон мотам тутишгач, Ширин Шопурга Шеруянинг сўзларини ва ўзи ўйлаган тадбир мазмунини айтиб берди. Кейин Шопурга икки-уч юз мулозимни кўшиб берди-да, уларни Фарход ётган тог томон йўллади. Шопур билан мулозимлар кўзланган манзилга етиб боришгач, халка бўлиб Фарход жасадини ўраб турган ёввойи хайвонлару кушларга кўзлари тушди. Жасадни ипак матоларга ўраб, шохона хурмат кўрсатиб, Ширин юрадиган кажава ичига солиб елкаларида кўтариб йўлга тушдилар. Бечора Шопур

тўхтовсиз фарёд уриб, жисмини яра килиб йиглаб келарди. Фарход билан фигон чекиб хайрлашаётган хайвонлару кушлар яна у ётган ер атрофига тўпланишди.
Шопур ва мулозимлар жасадни Арманга олиб келиб, Шириндан яширинча каср ичига кўйишди. Керакли барча ишларни бажариб бўлишгач, паривашга хабар килдилар. Ширин ўз касрига кандай мехмон келганини эшитиб, гулдек очилиб кетди ва ўз мехмонига мезбонлик килишга шошилди. Мехинбонуга: «Одамларга айтинг: мени бир дам холи колдиришсин. Мен етишолмаган, гамида жонимдан тўйган ёрим Ширин ўлибди, деган сўзни эшитиб, менинг дардимда хаётдан кўз юмибди. Энди навбат менга етди. Вафосини жонимга яшириб, жонимни унинг оёгига нисор киламан», - деди-да, узр сўраб уй ичига кирди ва ичкаридан эшикни махкамлаб ёпди.
Сўнгра кажава томон йўл олди. Унинг ичидаги мехмони ухлаётганини кўрди. Бошига куёш келганида хам уйгонмаётган Фарходига бокиб, у билан бирга ухлашни истаган Ширин ёри ёнига ётиб юзини юзига, кўксини кўксига кўйди-да, кўнглидан шуълалик бир ох тортиб уйкуга, киёматга кадар уйгонмайдиган уйкуга кетди.
Ширин уй ичига кириб эшикларни махкам бекитиб олганини кўрган Мехинбону билан сарой аъёнлари уни шомгача интизорлик билан кутишса хам, кайтиб чикмасди. Сабрлари тугаб эшикни очишмокчи бўлишди, очилмагач, уни бузиб, ичкари киришди. Кажава пардасини очиб, Фарход билан Шириннинг юзини юзига, кўксини кўксига кўйиб ётишганини кўришди.
Мехинбону уларга назар ташлади-ю фигони оламни бузиб жон таслим килди. Чунки Ширин унинг жони эди, унингсиз жонининг кераги йўк эди маликага. Шу туфайли хаёти нихоли синди-ю, замонанинг кўнгли хам ундан тинчиди. Уч нотавоннинг бундай ўлимига жонларни фидо килса арзийди.
Эшитишимча, ўша окшом бу ерда хозир бўлган чилтанлар - кирк киши бир хил туш кўришибди. Тушларида жаннат ичидаги катта бир богда улкан бир каср бўлиб, унинг зийнату безаклари хаддан ташкари чиройли эмиш. Шу каср тўрида нурдан бир тахт курилган бўлиб, унга ипаку бахмал кўрпачалар ташлаб кўйилганмиш. У тахтда Фарход билан Ширин, ота-оналари ва Мехинбону ўтиришган эмиш. Хар бирининг жамоли бу оламдагига караганда минг бора гўзалрок эмиш. Жаннат хазинасининг сохиби айтар эмишки, Фарход ўз калбидан жой олган покиза ишки туфайли хону султонлигидан, диёру хону монидан, сўнгра жахонгина эмас, жонидан хам кечиб, ўтар чоги шундай фоний бўлдики, Хак унинг ишкини боқий айлади, мажозий ишки хакикий ишк билан алмашди. Бако шахрида султонликка, хакикат мамлакатида хонликка етишди.
Унинг дардига хамдард бўлганлар: Ширин, ота-онаси, Мехинбону - барчасининг гунохлари кечирилиб, жаннат богига сазовор бўлдилар. Туш кўрганлар унинг мазмунини оламга ёйдилар. Фарходнинг ошикликда оламга машхур бўлгани хакидаги хабар Хито-ю Чингача етиб борди. Бу пайтда ўгли хажрини чеккан хокон ўлиб, тахтга унинг укаси чиккан эди. Онаси хам вафот этганди. Бахром пахлавон лашкарбоши бўлиб етишган, жанг килганда Фарходдан кам эмасди. У, сайёхлардан сўраб, бўлиб ўтган вокеалардан хабар топди-да, хокон хузурида унга Фарход билан юз берган ходисаларни маълум килиб: «Рухсат бўлса Чину Хитодан лашкар тўплаб, Арман мулкига бориб, Фарходни топсам-да, унга мададкорлик килсам, бўлмаса такдир буюрганини кўрсам», - деб илтимос килди. Бахромдан хавфсираб юрган хокон хам: «У ўлибди, бу хам йўколсин, каерни истаса, ўша ёкка жўнасин», - деб ўйлади-да, ижозат берди. Рухсат бўлганидан шодланган Бахром ўша захотиёк кўшин тўплаб, Арман диёри сари йўлга тушди. Манзилга етга

ч, Фарход хакида одамлардан суриштиришни бошлади. Халк Фарход азасини тугатмай туриб, яна икки кишига мотам тутилаётганини айтиб берди. Бахром бу вокеалардан яхши хабардор бўлган одамни сўраган эди, хузурига Шопур кириб келди. Бахром унинг Фарходга якин дўст эканини, унинг дардига таскин берганини эшитган эди. Икковлари бир-бирлари билан сўрашиб, роса йиглашди. Бахром Фарход мозори устига курилган гумбазни кўриб, ичига кирди-да, фигони осмонга етди. Бир кеча-кундуз ўша ерда бўлди.
Тинмай кўз ёшини тўкаётган Бахром
Кўзум чиксин сени кўргунча мундок,
Кесилсун тил, сўзунг сўргунча мундок.
Нелар келмиш бошингга гурбат ичра,
Не гурбатлар чекибсан шиддат ичра.
Кўзунг очиб, кўтаргил бошинг охир,
Ки келмиш бир хазин кўлдошинг охир.
Бу ишнинг токати мендин йирокдур,
Муни кўргунча ўлсам яхширокдур...
-  деб нола киларди. Таскин топгач, ер ўпиб ташкарига чикди-да, Шеруяга одам йўллаб: «Олдимга келиб, саволларимга жавоб берсин. Агар гунохсиз бўлса, унга яхшилик килай, бегунохлигидан шубхаланадиган бўлсам, нима килишни ўйлаб кўрай», деди. Шеруя бу гапларни эшитгач, Бахромнинг ўч олишидан вахимага тушиб, тавба-тазарру килишга тушди ва келган одамга: «Фарходнинг ўлимида гунохим йўклигига сен хам гувохсан. Отамнинг котиллигини билиб, уни ўлдирганимни хам биласан. Буларни Бахромга айтиб бергин. Мен унинг кошига боришдан кўркяпман, лекин унинг хизматига тайёрман. Уни мендан касос олиш ниятидан кайтарсанг, киёматгача сендан миннатдор бўламан», деди. Шеруянинг бу сўзларини эшитган Шопур хам унинг гунохсизлигини, келишга эса ожизлигини айтди-да, «Сен айтган барча ишларни бажаришга ахду паймон килсин», деб кўшиб кўйди. Шопурнинг фикрини эшитган Бахром унинг келишидан воз кечди-да: «Хисрав бу халкка канча зиён етказган бўлса, шунча пулни тўласин, манзилига к
айтиб боргач, яна шунча маблаг жўнатишга касам ичсин», деб буюрди. Шеруя бу гапдан хурсанд бўлиб, бор хазинасини халкка топширди, яна шунча молу дунё юборишга ахду паймон килди. Кейин Бахром Арман элини йигиб: «Ким Хисравдан зарар кўрган бўлса, ўз хакини олсин», деб эълон килди. Бу сўзларни эшитган шахар халки: «Бизнинг хар биримиз Фарход учун жонимизни фидо килишга хам тайёр эдик. Элнинг хохиши билан такдирни ўзгартириб бўлмас экан, энди уни дуо килиш билан машгулмиз», деб жавоб килишди.
Бахром хисобчиларга буюриб, бор пулларни халкка бўлиб беришни тайинлади. Кейин Мехинбонунинг якин кариндошларидан бирини тахтга муносиб кўриб, подшохликка тайинлади. Унинг адолатидан вайроналар обод бўлди. Хисрав хароб килган барча иморатлар тикланди. Сўнгра Бахром Чиндан келган сипохларга кўпдан-кўп бойликлар бериб, ўз ватанларига кайтишга рухсат берди-да, хокон хузурига бориб: «Фарход билан Бахром бир-бири билан топишишди», -  деб айтишни тайинлади. Сипохларни кузатгач, Бахром Шопур билан бирга Фарход кабрига мужовир бўлиб колишди.